



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
30-dekabr  
seshanba  
№ 52 (1478)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqq boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* f Hurriyat gazetasi

## МУНОСАБАТ

### ЖАҲОН ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛДАН-ЙИЛГА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва мамлакат халқига Мурожаатномаси хорижий экспертлар диққат марказида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси халқро микёсда кенг акс-садо бериб, хорижий сиёсатчилар, таҳлилчилар ва экспертлар ҳамжамиятининг эътиборини тортди. Ўзбекистон етакчисининг Мурожаатномаси нафақат ислохотларнинг навбатдаги босқичи яқунлари, балки мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини акс эттирувчи дастурий баёнот сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида мамлакатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги асосий ютуқларини қайд этиб, ислохотларнинг кейинги йўналишларини белгилаб берди. Аҳолининг турмуш сифатини ошириш, ижтимоий сийбати чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

тириш йили" деб эълон қилинди. Ушбу қарор билан республика раҳбари макроиқтисодий муваффақиятлардан ижтимоий жараёнлар ва инсон капитали билан чуқурроқ ишлашга ўтиш истагини таъкидлади. Хорижий экспертларнинг фикрича, Мурожаатномада баён этилган қоидалар амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимли ва узоқ мuddатли хусусиятини акс эттириб, давлат бошқаруви ва ижтимоий ривожланишга ёндашувлар эволюциясини намойиш этади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, маҳаллий ҳамжамиятлар, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик иштирокига эътибор Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш ва ижтимоий масъулият мувозанатига асосланган инклюзив ривожланиш моделини шакллантиришга интилишидан далолат беради.

**Ильяс УМАХАНОВ,**  
Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Фан, таълим ва маданият қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:  
— Аввало, Россия сенаторлар корпуси номидан Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон эришган улкан натижаларга



чуқур ҳурматини билдиришга ва яқин истиқболга мўлжалланган улкан режаларни қўллаб-қувватлашга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон сўнги йилларда кенг қамровли модернизация йўлидан дадил ва изчил бормоқда. Иқтисодиётда эришилган ютуқлар — ялли ички маҳсулотнинг ўсиши, рекорд даражадаги инвестициялар, молия тизимининг мустаҳкамлашиши очiq бозор иқтисодиётини яратиш бўйича танланган йўлнинг тўриликдан далолат беради. Ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар алоҳида таассурот қолдирмоқда. Камбағалликни икки баробарга қисқартириш мақсадига мuddатидан олдин эришилгани шунчаки статистика эмас, балки миллионлаб Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг реал яхшилаши, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилинган чуқур рамзий маънога эга. Бу қандам ислохотлар марказида инсон, унинг фаровонлиги ва ижтимоий ҳамжихатлик турганини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг маҳалла институтини жамият таянчи сифатида мустаҳкамлаш борасидаги тажрибаси бебаҳо ва шубҳасиз, кўплаб мамлакатлар, жумладан, жамоавийлик ва ўзаро ёрдам аънавалари кучли бўлган Россия учун ҳам қизиқиш уйғотади. Тақдим этилган 2026 йилга мўлжалланган дастур ўзининг кенг қамровлилиги билан кишини ҳайратга солади. Технологик ютуқларга, сунъий интеллект соҳасидаги лойиҳалар ва улкан космик дастурга ургу бериш давр талабларига мос келади ва Россия—Ўзбекистон илмий-техникавий ҳамкорлиги учун янги уфқларни очади. "Яшил" кун тартиби ва кенг кўламли экологик ташаббуслар мамлакатларимиз учун умумий бўлган барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам тўлиқ ҳамоҳангдир.

3-6

## ШУКУҲ



Абдулла ОРИНОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Халқ шоири

### Яшил йил

Меҳру муҳаббатга ташна кўнглини  
Ҳатто дақиқалар айлар экан зор.  
Бир ўзим билурман, ҳар янги йилни  
Қанчалик кутганман бўлиб интизор.

Самовий нур билан чулғансин юрак,  
Шоирлар байтида умидбахш нақл.  
Ахир, ортиқчалик қилмаса керак,  
Кибрга чегара, нодонга ақл.

Ундан омонликни кутдим, аввало,  
Сўнгра осойишта онларни кутдим.  
Бир қултум сув билан бир ютум ҳаво,  
Тандирдан узилган нонларни кутдим.

Бўлса пешонада даврини сурсин,  
Бандаси умрини этмасин исроф.  
Кўзичоқ уч-тўрт кун уйноқлаб юрсин,  
Чўпон ва чўлиқдан кетмасин инсоф.

Кутдим, набаралар бўлишин, деб жам,  
Ҳар бирин лабида табассум қалқсин.  
Ёгсин оппоқ қор ҳам гулпилаб шу дам,  
Қишининг қўёши ҳам ялтираб балқсин.

Жомга шароб қуйсанг  
лимо-лим тўлгай,  
Тагига тўкилгай ундан ортиги.  
Виждон ҳар лаҳзада қўриқчи бўлгай,  
Насибанг — тақдирнинг тухфа, тортиги.

Кўни қўшнилару дўсту биродар  
Бир-бирин қутласин қувончга тўлиб.  
Кекса-ёш бағрини очиб баробар  
Йилни қарши олсин жамулжам бўлиб.

Учар осмонларда бахт деган бир қуш,  
У юртлар устида қанотин қоқсин.  
Ғам-ташвиш гўёки босириқ бир туш,  
Бесамар ҳаёллар сувларга оқсин.

Гина- кудуратлар орқада қолсин,  
Янги яралгандай бу вужуд — бу тан.  
Севиб ва авайлаб бағрига олсин  
Ҳар битта фарзандин шу она Ватан.

Кичкинтой набирам талпинар менга,  
Шу соат у билан эрурман тенгқур.  
Куллуқ қилажамкан, тириклик, сенга,  
Берган куни учун Тангрига шукур.

2015 йил 27 декабрь

## ДИЛ СЎЗЛАРИ

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ Бахт харитаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси давлатимиз раҳбарининг қалб амри, юксак шижоати, аждоқларимизга хос матонат, кучли чақирғи ўлароқ янгради. "Конгресс Холл" (Халқаро Конгресс маркази)да бўлиб ўтган мазкур тантанали тадбирда иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини тўлақонли қамраб олган маърузасини тинглар эканман, минбарда янграган сўзлардаги ўзгача залворни, улғуворликни ҳис қилдим.



Маълумки, халқни уйғотувчи, юксалтирувчи энг кучли мафкура миллий бирликдир. Ҳурматли Президентимиз бу ҳақда кўнжаклик ва фахр билан сўзлаганларида иштирокчиларнинг ҳар бирининг юрагига халқнинг бахт-саодати учун дахлдорлик ҳисси юш урганга шубҳам йўқ. Кириб келаётган Янги 2026 йилни "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб номлашни халқимизнинг миллий қадриятларидан тортиб, унинг замонавий қиёфасини, жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини янги босқичга олиб чиқадиган дастур сифатида намойён бўлди. Унда жамиятимиз ҳаётининг барча жиҳатлари қамраб олинганлиги унинг ҳаётбахшлигини, таъсирчанлигини таъминлаган.

Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг кўлами, моҳияти айнан шу уйғунликнинг туб мазмунини белгилайди. Президентимизнинг айтган ушбу сўзлари эса Мурожаатноманинг Бош ғоясини белгилаб берди мен учун: "Мирзо Улуғбек бобомиз осмон жисмларини, юлдузлар харитасини чизиб берган бўлса, биз халқимизнинг, ёшларимизнинг бахт йўли харитасини чизаямиз". Ҳа, бугун олпата йўналиш асосида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда уларнинг ижроси Ўзбекистоннинг бахт харитасига айланажак! Юксак марраларни кўзлаган, самони забт этишга отланган ўттиз саккиз миллионли буюк халқнинг раҳнамоси — хурматли Президентимизнинг бедор юрагидан отилган хитоб бизни шу улуг йўлда бирлаштиради!

**Дилим, юксак довлонлар сари отлан, пешвоз чиқ,  
Ўзбекистон кўзлаган манзилда бир сафда бўл.  
Ўттиз саккиз миллион халқнинг бахт харитаси  
Чизилган бу паллада шижоатда, шаҳда бўл.**

**Не бахт, азиз замондош, бу кунлар ҳам тарихдир,  
Яралмоқда юртимнинг янги, шонли китоби.  
Огоҳлик замони бу! Уйғотгайдир ҳар кимни,  
Ватан учун тикилган бедор юрак хитоби!**

Сайёра САМАНДРАОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси,  
"Шуҳрат" медали соҳибаси.

## ЯНГИ ЙИЛ ЎЙЛАРИ

### БУГУНДАН ҚОНИҚИШ, ЭРТАДАН — ФАҲР

Ҳар йилнинг сўнги кунлари "Йил давомида нимага эришдим, нимага эришолмадим?" деган савол ва янги йил режаларига доир орзу-умидлар билан ўтади. Инсон ҳаёти шундайки, у қанчадан-қанча ютуқларга эришмасин, ғолиблик чўққиларига кўтарилмасин, барибир, янада салмоқли марраларни кўзлайди, қулочини катта ёзади. Олдинга қараб интилиш шиддатини сусайтирмайди. Ҳаётнинг ёзилмаган қонунларидан бири шундай.



2025 йил мамлакатимиз тарихида энг ёрқин, сермахсул, дунё миқёсида фақат бугун эмас, келгуси йилларда ҳам расман эътироф этиладиган йил бўлиб қолади. Ички ва ташқи сиёсатда, халқаро алоқаларда, иқтисодиётда, одамлар турмуш тарзи, ёшлар онг-тафаккурида юз берган ўзгаришларни ёдга олишнинг ўзи бу йилни кейинги тўққиз йилнинг Бобо йилига айлантиради.

Кўзлаган мақсадларимизга изчиллик билан эришмоқдамыз, дунё жамоатчилиги кўз ўнгида Янги Ўзбекистон деган мамлакат жадаллик билан қад ростлаётди, бу мамлакатнинг олий инсоний, маънавий-ахлоқий қадриятлари, шарафли режалари шаклланмоқда.

2-6

## ҲУҚУҚ

### ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Суд-ҳуқуқ ислохотлари: тадрижийлик, мантиқийлик ва янги тенденциялар

Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш йўли билан одил судлов фаолиятини тўлақонли амалга ошириш янги жамиятнинг энг муҳим вазифаси сифатида белгиланди. Бу борада суд органларини ташкилий-институционал жиҳатдан тубдан такомиллаштиришга қаратилган 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.



Тадрижийликдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз тараққиётининг мутлақо янги бир босқичига ўтилганидан кейин, дастлабки қабул қилинган энг муҳим ва фундаментал характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони алоҳида келтириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур фармонга мувофиқ одил судловга оид халқро талаб ва стандартларда белгиланган тамойиллардан келиб чиқиб, илк бор судьяларнинг ваколат мuddатлари қайта кўриб чиқилди ва судьялик лавозимига биринчи марта беш йил мuddатга ва кейин ўн йил мuddатга, шундан сўнг мuddатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи қоидалар ўрнатилди.

Ушбу қоида БМТ Суд органлари мустақиллиги асосий принципларининг 12-моддасида белгиланган судьялик лавозимига бўлиш кафолатига тўла мувофиқ келиб, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асосларини про-

3-6

## БУГУНДАН ҚОНИҚИШ, ЭРТАДАН — ФАХР

**1-6.** Миллатнинг бугунги ва эртанги кудрати унинг сандида асраётган маблағида эмас, илмий-техникавий тафаккури, имон-этиқоди, улуғ аждодлар йўлига садоқати, замонавий илмларни пухта эгаллаётган ёшларимиз кўлга киритаётган ютуқларда намоён бўлиши шундоқгина кўриниб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Му-

рожаатномасида мамлакатимиздаги ўн мингдан ортиқ мактабларга 10 миллион нусха китоб етказиб бериш кўзда тутилгани биз, ижодкорлар учун ҳам фахрли, ҳам масъулиятлидир. Негаки, ёш китобхонлар кўлига етиб борадиган асарларнинг маънавий-маърифий таъсирчанлиги гоё катта аҳамиятга эга. Бу табаррук ишни Ёзувчилар уюшмаси бир неча йиллардан бери изчил амалга ошириб келмоқда. Китобхонлик борасидаги янги вазифа — ҳурматли Пре-

зидентимизнинг ташаббуси билан маънавий-маърифий йўналишдаги журналларнинг ўрта мактаблар кутубхоналарига бундан буён ҳам бепул етказиб берилиши тарбия ишига, хусусан, китобхонлик савиясининг ошишига сўзсиз хизмат қилади. Бу эса янги 2026 йилнинг муҳим ютуқларидан бири бўлади, албатта.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,  
“Жаҳон адабиёти” журнали  
бош муҳаррири.

## ОМОНЛИК БЎЛСА...

Мамлакатимизда давом этаётган ислохотларнинг 2025 йилги самараси ҳақида Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида батафсил сўз юритилди.

Кўшимча қилиш мумкин бўлса, айтиш мумкин: қонунийликни сақлаш йўлида эришилган ҳар битта воқеа Ватан ва жамиятимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқда, деб айтиш мумкин. Иккинчиси: давлатимиз раҳбарининг узоқ ва яқин хориж давлатларига ўнлаб сафарлари ва ўтказган мулоқотлари ниҳоятда мароқли бўлмоқда.

Учинчиси: халқро аниқ фан олимпиадаларида ўғил-қизларимизнинг муваффақиятларидан бошимиз осмонга етмоқда. Умуман, ҳар бир ватандошимизнинг ютуғи халқимиз, Ватанимиз ва ислохотларимиз ютуғи ҳисобланади.

Ўтган йил шахсан каминга ижод борасида фақуллода омадли келди. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги “Қаҳр” киссаси, Худойберди Тўхтабоевнинг болалигидан ҳикоя қилувчи “Болажон бобомнинг болалиги” киссаси ҳамда Жеймс Жойс ҳаёти ва ижодига бағишланган “Жойс” роман-эссеси чоп этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шафелигида салмоқли “Танлан-



ган асарлар”им босмадан чиқди. Омонлик бўлса, ижодий режалар катта.

Куршид ДЎСТМУХАММАД,  
ёзувчи.

## МАСЪУД КУНЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Мақсуд Шайхзода бир шеърда замоннинг тез ўтишига файласуфона назар солиб, шундай деганди: *Йиллар ўтар: Душанба, сешанба, чоршанба каби...*



шундай омадли бўлди, назаримда. Биргина, балки, жуда “жузъий” мисол келтирадиган бўлсам, мен ҳали Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, ҳали Миллий кутубхонада, яна бошқа жойларда бўлиб ўтаётган ўнлаб, йигирмага китоб тақдимотларида қатнашдим, бир қанча ажойиб асарлар майдонга келётганига шохид бўлдим. Абдулла Қаҳҳор айтганидек, ўзбек адабиётининг келажакда буюк адабиёт бўлишига ишониб боряман.

Газетхон биродарларимизга хисо-

бот тариқасида айтايки, ўтаётган 2025 йилда икки китобим нашр этилди, ўнлаб мақолалар чоп қилдирдим, уч китоб масъул муҳаррир бўлдим. Ҳозир 2026 йилда чоп этилишни мўлжаллаб, нашриётларга икки китоб топширганман. Яна икки китоб тахт бўляпти.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон – Қирғизистон” дўстлик жамияти раҳбари сифатида қилинган катта-кичик ишлар, Қирғизистонга меҳмон бўлиб бориб ёки Ўзбекистонга келган қирғиз дўстларимиз билан ўтказган йигирма-анжуманлар, бу жамиятнинг “Оқбура” сайтида эълон қилинган қирққа яқин илмий-маърифий мақолаларим икки қардош эл ўртасидаги адабий-маданий биродарликни янада кучайтиришга хизмат қилади, деб умид қиламан.

2026 йил ҳам ҳар биримизнинг, бутун мамлакатимизнинг ҳаётида кўт-кўт билан йил бўлиб келсин, яратган Эгам эл-юртимизга қўлдан келганича хизмат қилишимизни, ҳар бир ҳалол ва софидил инсонга меҳнатлари рўёбга чиқишини насиб этсин, деб тилайман.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,  
адабиётшунос олим.

## БУ РИШТАЛАРНИ УЗИБ БЎЛМАЙДИ

Кеча тушимга онам кирибди. Ҳеч кирмаган эди. Қандайдир мендан хафадек кўринди. Гапларимга ҳам жавоб бермади. Жайрон бўлдим. Ҳаётлигида онам мени жуда яхши кўрар эди. Еру кўкка ишонмасди. Кейин онам менга “сингилларингдан хабар ол” дедилар ва кетиб қолдилар. Ярим тунда уйғониб кетдим. Сира ўзимга келолмасдим.

Ўйлаб қолдим: Ўтиб бораётган 2025 йилда сингилларимни йўқладимми? Уларнинг ҳолидан хабар олдимми? Шу ўйлар менга сира тинчлик бермасди. 2025 йил кўз ўнгимдан ўтди. Нималарга улгурдим-у, нималар чала қолди? Ижодда катта ютуқларга эришган, катта-катта танловларда ғолиб бўлганим ёки мақолаларим билан тилга тушганим ҳаммаси бир томон-у, сингилимни йўқлаб бормганим бир томон эди.

Айтишиниз мумкин, сингилни йўқлашдан ҳам юксакроқ нарсалар бор-ку! Юртда қанча ижобий ўзгаришлар, изчил ислохотлар, халқ руҳиятидаги янгиланишлар ва турмушдаги юксалишлар муҳим эмасми? Шунча ҳаётбахш янгиланишлар турганида дабдурўстандан сиз сингилни йўқлашни устун кўйсиз, дейишингиз мумкин. Балки сизнинг гапларингизда ҳам жон бордир, аммо юртимизда амалга оширилаётган “инсон қадрини ўнлаб” тамойили диёримизда яшаётган ҳар бир инсон қадрини кўтариш, имкониятларини юзга чиқаришга кўмаклашиш, ҳаёт даражасини юксалтиришни тақозо этади.

Демак, гап қадр ҳақида кетар экан, бу ишни энг аввало ўз сингилгинизни, опангинизни, ака-укангизни йўқлашдан

бошлаш керак, аслида. Ҳадиси шарифларда бугдойни пайхон қилиш катта гуноҳ, лекин сингилни йўқлаш учун йўлни яқин қилиш мақсадида бугдойзорни пайхон қилган ака кечирлар экан. Ўзи, аслида, мамлакатдаги барқарорлик, тинчлик, тотувлик, миллатлараро иноқлик қадрдонлар ўртасидаги ришталарнинг мустақамлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Биз барпо қилаётган Янги Ўзбекистонни бир оила деб билсак, ички руҳият ва ички тафаккурнинг юксаклиги, қадрдонларни қадрлашдан бошланади. Ўз ака-укаси ёки опа-синглисининг, ота-онасининг қадрига етган одам бошқаларни ҳам эъзозлайди. Ана шундай гўзал туйғунинг юракдан ниш уриши эса сингилни йўқлашдан, уни ҳимоя қилиш ва муваффақиятларидан қувонилдан бошланади.

2026 йил мамлакатимизда Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш жуда қадрлайди. Бунинг исботи сифатида илгари бир-бири билан бориш-келиш имконияти чекланган Марказий Осиё давлатлари халқлари ўртасидаги дўстликни таъминлаш учун улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Бугун бутун Марказий Осиё халқлари қўлларини дуога очиб, Президент Шавкат Мирзиёевни алқаш-



моқда, узоқ умр тилашмоқда. Билсангиз, илгари бир ариқнинг нариги томони Тожикистон, бу томони Ўзбекистон бўлиб, ака сингилни, ука опасини ёки қавм-қариндошлар яхши ва ташвишли кунларида бир-бирини йўқлай олишмасди.

2026 йилда ҳам халқ руҳиятида, тафаккурида зоҳир бўлган гўзал фазилатлар — бир-бирини қадрлаш, инсон инсонга дўст деган тамойил бардавом бўлишини тилаб қоламан. Шу лаҳзаларда сингилмга кўнғироқ қилдим.

— Акажон, сизимизми? Қанчалки соғинган эдим сизни! Келаясизми? Кўёвингизга айтай, тайёргарлик кўрай, жиянларингиз қанчалки қувонади! Акажон, мен сизни яхши кўраман...

Фахриддин БОЗОРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

## БУГУННИНГ ГАПИ

# КОРРУПЦИЯ —

## ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш чоралари кучайтирилаётгани жамиятда ҳалоллик, адолат тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади. Бу иллатни бутунлай йўқ қилиш борасида жиддий ишлар олиб борилаётганини кундай равшан.

Бироқ коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинаётган қонуний-меъёрий ҳужжатларни сезмаётган ёхуд тартиб-қоидаларни менсимайётган шахслар борлиги ачинарлидир. Масалан, одамлар мурожаат қилувчи айрим ташкилотларда коррупциянинг яширин йўлларида фойдаланишмоқда ёки қандайдир ишни ҳал қилиш учун мурожаатчидан пул ундиришмоқда. Улар наздида пора олиш айб эмасдас гўё. Коррупцияга йўл қўйган ана шундай шахслар қўлга тушиб, пушаймон бўлаётганини кўриб, билиб туриб айрим шахслар хулоса чиқараётганини янада ачинарлидир.

“Мингбулок” газетаси таҳририяти Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган грантлар танлови ғолиби сифатида “Коррупция — тараққиётга таҳдид, умрга заво” лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ана шундай масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Туман ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгаши раиси Аҳрорбек Мансуровнинг туман Кенгаши депутатлари, ташкилот, муассасалар ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва бутун туман аҳолисига “Мингбулокни коррупциясиз туманга айлантирайлик!” шiori остидаги мурожаатномаси газета ва кўргазмалари тарғибот воситалари орқали кенг оммалаштирилгани эътиборга молик. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси, Коррупцияга қарши курашиш миллий агентлигининг Наманган вилоят ҳудудий бўлими жамоатчилик кенгаши аъзоси Носиржон Деҳқон, ЎзЛиДеП томонидан можаритар сайлов тизими орқали 25-Наманган вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Худайбердиев, 16-сайлов округидан Наманган вилоят Кенгаши депутати Улуғбек Мусаев, туман Кенгаши депутатларидан Солижон Ходжамонов, Раъно Умарова, Фарида Абдурахмонова, Баҳром Мамажонов, шунингдек, тумандаги нодавлат нотижор ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида тарғиботнинг барча воситаларидан самарали фойдаланилди. Ташкилот ва муассасаларда “Мингбулокни коррупциясиз туманга айлантирайлик!”, “Коррупция — келажакка таҳдид”, “Коррупциясиз соҳа”, “Коррупциясиз муассаса”, “Биз коррупцияга қаршимиз” деб номланган қатор оммавий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Лойиҳани кўзда тутилган мақсадларга эришган ҳолда муваффақиятли якунланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида барча соҳалар қатори коррупция масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Таъкидландики, “Тақорр ва тақорр айтаман. Коррупция — давлат тараққиётга тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳи-



тини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса — ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз...”

Тўғри, лойиҳани амалга ошириб бўлди. Лекин “фавқулодда ҳолат”ни чуқур англаган ҳолда ижодий ҳодимларимиз ва кенг жамоатчилик билан биргаликда “Жамият танаққули саратон” сифатида қаралувчи порахўрликка қарши курашишни изчил давом эттиришга қатъий азму қарор қилдик. Зеро, коррупцияга қарши курашиш умуммиллий вазифа, ҳар бир ватандошнинг юрдошимизнинг виждон иши. Ижодкорлар бундан буён ҳам коррупцияга қарши кураш тарғиботида фаол қатнашишга аҳд қилдилар. Таҳририят бундай ижодкорлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда глобал аҳамиятга молик бу мавзунинг изчил ёритишда давом этади.

Янги йилдан газетамизда “Жамият ва коррупция” деб номланган махсус саҳифа ташкил этиб, доимий равишда ёритиб боришга қарор қилдик. Шунга қўра, газетамизнинг янги йилдаги 1-сонида туман ҳокими А.Мансуровнинг “Мингбулокни коррупциясиз туманга айлантирайлик” сарлавҳали мақоласи ёритилади. Унда 2025 йили бу борада туманда қилинган ишлар ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси асосида амалга оширилган галдаги муҳим вазифалар ҳақида муфассал баён этилади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида таъкидланган туман ҳокимининг “Мингбулокни коррупциясиз туманга айлантирайлик!” шiori остидаги мурожаатда белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш орқали мамлакатимиз раҳбарининг даъватига амалий жавоб қайтаришни фуқаролик бурчимиздир.

Қосимжон АКБАРОВ,  
Мингбулок тумани  
“Мингбулок” газетаси муҳаррири,  
“Шухрат” медали соҳиб.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### МАҲОРАТ МАКТАБИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган “Мен ҳам журналист бўламан” ижодий тўғрагининг навбатдаги учрашуви ўтказилди. Машғулот “Журналистикада хабар жанри” мавзусига бағишланди.

Учрашув давомида таниқли журналистлар, хусусан, Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари Д.Бекчанова, “Ишонч” газетаси муҳаррири М.Тўрабаева ҳамда университет ахборот хизмати раҳбари М.Аҳмедова талабаларга хабар жанри ҳақида атрофича маълумотлар бериб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, талабалар амалий топшириқларни бажариш орқали ўзларини синаб кўриб, журналистикага бўлган қи-



зиқиш ва маҳоратларини намоён этдилар. Маъмур тўғрақ талабалар учун фойдали ва қизиқарли бўлиб, журналистика соҳасига қадам қўяётган ёшлар учун муҳим тажриба мактабига айланмоқда.

## ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Гулистон шаҳридаги вилоят болалар кутубхонасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Сирдарё вилоят бўлими ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳудудий бўлимининг 2025 йилдаги фаолият таҳлил қилиниб, 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишни уюшмининг Сирдарё вилояти бўлими раиси Бойжигит Абдуллаев кириш сўзи билан очди. У ўз маърузасида ўтган йил давомида вилоят журналистлари томонидан амалга оширилган ижодий ишлар, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни, ахборот сиёсатида ҳолислик ва профессионаллик тамойилларига амал қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, фахрийлар тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар борасида гапирди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан “Университет овози” газетаси бош муҳаррири Мунаввар Пардаев, “Янги Сирдарё” газетаси бўлим мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева, уюшмининг вилоят бўлими “Фахрийлар кенгаши” раиси, Гулистон давлат университети профессори Равшанбек Маҳмудов, “Ишонч” газетасининг вилоят муҳбири Баҳор Холбекова ҳамда фахрий журналист Тўхтамиш Бокиевлар ҳудудий бўлимининг ўтган йилги фаолиятини ижобий баҳоладилар. Улар журналистиканинг жамиятни ислоҳ қилиш жараёнидаги роли, аҳоли билан мулоқотни кучайтириш ва таҳлилий материаллар салмонини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда 2026 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам кўриб чиқилди. Иш режаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳайъат аъзоларининг тақлифларига мувофиқ, кўшимчалар билан қабул қилинди.

Йиғилиш доирасида уюшмининг аънавий ички танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Жумладан, “Илмининг энг фаол журналисти” номинациясига Холида Пардабоева ва Мухаммадали Аҳмад (“Янги Сирдарё”), “Илмининг энг масъулиятли масъул котиби” — Ҳасан Абдувоҳидов (“Янги Сирдарё”), “Илмининг энг яхши дизайнер-оператори” — Лена Кулшнина (“Янги Сирдарё”), “Илмининг энг сармаҳсул ижодкори” — Фулом Примов (ЎзА Сирдарё вилоят муҳбири) муносиби деб топилди.

Шунингдек, “Илмининг энг яхши туман газетаси” — “Шахрай йўл”, “Илмининг энг яхши тармоқ газетаси” — “Хуқуқ ва онг”, “Илмининг энг яхши фотомухбири” — Мухаммад Карим (“MINTAQA” медиа маркази раҳбари), “Уюшмининг энг яқин ҳамкори” номинацияларига бўйича Шоирахон Шуқурова (вилоят болалар кутубхонаси раҳбари) ва Моҳира Йўлдошева (“Зиё” нашриёти муҳаррири) тақдирландилар.

Йиғилиш кун тартибидеги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгуси даврда журналистлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
Ахборот хизмати.

# ЖАҲОН ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛДАН-ЙИЛГА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

## Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва мамлакат халқига Мурожаатномаси хорижий экспертлар диққат марказида

**Александра ПЕРМИНОВА,**  
Россия Фанлар академиясининг Хитой  
ва замонавий Осиё институтининг илмий  
ходими:

**1-6.** — Президент Шавкат Мирзиёев парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сўнги йилларда мамлакатда эришилган макроиктисодий натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ислохотлар даврида республика барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда.



Россия Ўзбекистон иқтисодиётидаги бундай тенденциялардан жуда манфаатдор. Бу Марказий Осиёда минтақавий барқарорликни мустақамлашга ҳисса қўшади ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шартлар яратди.

Саноатни ривожлантиришнинг эълон қилинган устувор йўналиши алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника ва кимё саноатида лойиҳаларни амалга ошириш орқали қайта

ишлаш тармоқлари улушини мақсадли равишда ошириб бормоқда. Шу маънода, мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун қўшимча имкониятлар очилмоқда.

Россия компаниялари энергетика, жумладан, атом энергетикаси, қазиб олиш тармоқлари, саноат ускуналарини етказиб бериш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Икки мамлакатнинг сармоявий ресурслари ва ишлаб чиқариш ваколатларини уйғунлаштириш асосида технология ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун асос яратилмоқда.

Бугунги кунда бизнинг стратегик мўлжалларимиз кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Бу эса нафақат Ўзбекистон ёки Россия, балки бутун минтақа тараққиёти учун мустақам пойдевор яратди.

**Ян ЦЗИПИН,**  
"Travel&Leisure" наشري бош муҳаррири  
(Хитой):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йилни "Маҳаллани ривожлантириш ва

жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилишни таклиф этди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш доирасида маҳаллаларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратилади, чунки бу ўзини ўзи бошқариш институти аллақачон ўзини оқлаган.

Уларни ободонлаштириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга катта эътибор қаратилади.

Таъқидлаш жоизки, Ўзбекистонда маҳалла ноёб жаҳон тажрибасига эга бўлиб, одамларнинг аҳил яшashi ва камол топиши учун энг қулай муҳит ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг йилдан-йилга муваффақиятли ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Мамлакатда замонавий технологиялар ва илгор инновациялардан фаол фойдаланилмоқда.

Шубҳасиз, бундай натижаларга фақат ўз халқи фаровонлиги ва мамлакат раванқини ҳамма нарсдан устун қўядиган давлат раҳбарининг оқилона ва стратегик раҳбарлиги остида эришиш мумкин.

**Абдулҳамид Ҳамид Абдуллоҳ**  
ал-КУББИ, Саудия Арабистонининг  
"Sahm News" наشري мухбири:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев парламент ва мамлакатнинг кўп миллатли халқига мурожаат қилиб, унда 2025 йил якуналарини сарҳисоб қилди ва 2026 йилга мўлжалланган тараққиётнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб берди. Мурожаатнома дастурий характерга эга бўлиб, унда кейинги тўққиз йил давомида амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги, Янги Ўзбекистонни очик, барқарор ва ижтимоий йўналтирилган давлатни барпо этиш йўли акс эттирилган.

Президент сўзининг аввалида ўтган йиллар давомида ислохотлар ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ҳаётида сезилганини таъкидлади. Булар шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, замонавий



мактаб, боғча ва шифохоналар барпо этиш, транспорт-логистика тизими ва рақамли хизматларни ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда.

Мураккаб халқаро вазият, глобал иқтисодий зиддиятлар ва хавфсизликка таҳдидлар кучайиб бораётганига қарамай, 2025 йилда Ўзбекистон учун улкан ютуқлар йилли бўлди. Бу ютуқларга халқнинг фаол қўллаб-қувватлаши, ёшларнинг куч-ғайрати ва шижоати, маҳалланинг фуқаролик жамиятининг ноёб институти сифатидаги роли ошгани, тadbirkorлар, фермер ва деҳқонларнинг ташаббускорлиги, вазмин ва дўстона ташки сибсат тўфайли эришилди.

Иқтисодий соҳада барқарор ривожланиш қайд этилди. Мамлакат тарихида илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди, холбуки, тўққиз йил аввал бу кўрсаткич қарийб 100 миллиард ташкил этарди. Экспорт 23 фоизга ўсиб, 33,4 мил-

лиард долларга етди, олтин-валюта захиралари 60 миллиард доллардан ошди, жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг 31,9 фоизига тенг бўлди.

Президент бу кўрсаткичлар халқаро ҳамжамият ва нуфузли молия институтлари томонидан эътироф этилаётганини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини "BB-" даражасидан "BB" даражасига қўтарилди. Бу қарз олиш харажатларини камайтириш ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Мурожаатномада ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда яна 5 миллион кишида даромад манбаи пайдо бўлди, ишсизлик даражаси 4,9 фоизга, камбағаллик даражаси эса 5,8 фоизга камайди. 1 миллион 500 мингга яқин фуқаро камбағалликдан чиқарилди, 1 минг 435 та маҳаллага илк бор камбағалликдан холи худуд мақоми берилди. 2026 йилгача белгиланган камбағалликни 2 баробарга қисқартириш мақсадида муддатидан олдин эришилди.

Мурожаатномада 2026 йилга мўлжалланган олтига асосий устувор йўналиш, жумладан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион моделга ўтказиш, ички талабни рағбатлантириш, меҳнат бозори ва профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш, экологик мувозанат ва "яшил" энергетикани таъминлаш, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини янада модернизация қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Президент мамлакатингизнинг стратегик мақсади — даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш эканини таъкидлади. Прогнозларга кўра, 2026 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 167 миллиард долларга етади, 2030 йилга бориб эса 240 миллиард доллардан ошиши мумкин.

"Дунё" АА.

# ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

## Суд-ҳуқуқ ислохотлари: тадрижийлик, мантиқийлик ва янги тенденциялар

**1-6.** Суд амалиётида "Хабас корпус" институтини қўллаш кенгайтирилиб, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эскумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдирish механизмининг жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишнини қўшимча тергов юриштишга қайтариш институти бекор қилиниши билан тергов ва суриштирув органлари мутасаддиларининг ўз касбий фаолиятига алоҳида масъулият билан ёндашиши, асосиз айбловлар қўйилишининг олди олиниши, шахснинг айбдор эканлигини исботловчи мақбул далиллар етарли бўлмаса, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиши ва натижада суднинг ҳимоя функциясини амалга оширишига тўлиқ имконият яратди.

Суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан молиявий мустақиллиги асослари яратилиб, адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Суд органлари фаолиятининг самарадорлиги учун энг муҳим бўлган омил — молиявий, моддий-техник мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ ушбу ўзгариш суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органларининг билвосита таъсиридан чиқариш имконини беришини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим;

Фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш вазифаси белгиланиб, 2017 йилнинг 1 июнидан мамлакатимиз тарихида биринчи марта фуқаролар ва тadbirkorлик субъектларининг давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган маъмурий судлар ташкил этилди.

Янги Ўзбекистон суд тизимининг амалда чинакам мустақиллигини таъминлаш, улар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини тубдан тако-

миллаштириш мақсадида 2017 йил 21 февралда навбатдаги ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонга мувофиқ:

— халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўла мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик, ошқора ва муқобил тизимини яратиш мақсадида мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор судьялар ҳамжамиятининг энг муҳим органларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унга судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи деган мақом берилди.

— 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиши соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Ушбу ташкилий-тузилмавий ўзгариш натижада суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функциялар бартараф этилди, суд тизимининг марказлашган ягона бошқаруви ташкил этилди ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш имконияти кенгайтирилди.

— Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қўриқлаш вазодини тугатиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва худудий ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилди.

— олдинги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари тарзида ўзгартирилиб, бу судларга тааллуқли ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди;

— судья лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши, яъни туман ва вилоят судлари судья лавозимларини 65 ёшгача, Конституциявий ва Олий суд судьяларини лавозимларини 70 ёшгача белгилаш судьяларнинг мустақиллигини кафолатлаш билан бир қаторда мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини етук, юқори маънавият, катта тажрибага эга бўлган ва муносиб судьялар билан тўлдирishга, уларнинг бой тажрибаларидан кенг фойдаланишга ҳамда бар-

қарор судьялар мактабининг яратилишига замин яратди.

2017 йил 31 майда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, унда Конституциявий суднинг қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органи эканлиги белгиланди.

Тарихан биринчи марта судьяни алмаштириб бўлмаглиги принципи жорий этилиб, Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари даврида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

2017 йил 30 августда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бarchа судларда ишларнинг ўз вақтида кўриб чиқишнинг назорат қилишнинг самарадор тизимини яратиш, одил судлов ишларини юргизишдаги муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида судлар ишларини автоматлаштириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тизимлаштириш вазифалари қўйилди. Аҳамиятлиси, мазкур қарор билан "2017 — 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастури" тасдиқланиб, унда назарда тутилган муҳим чора-тадбирлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилди.

Суд заллари замонавий ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиб, фуқаролар ва тadbirkorлик субъектлари вакиллари, давлат органлари мутахассислари эркин келишлари ва республика бўйича очик суд мажлисларини реал вақт режимда кузатиб бориш имконияти яратилди.

2020 йил 3 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш тўғрисида"ги қароридан суд органларидан фуқаролар ва тadbirkorлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш сингари вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек,

иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти кенгайтирилди.

Суд ислохотларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — судьяларнинг моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарадорлигини оширишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосан, судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида 2018 йил 1 августдан бошлаб судья ва суд ходимларининг лавозим маошининг тариф коэффицентлари бир ярим бараварга оширилди, малака ва мансаб даражасига эга бўлган судья ва суд ходимларига алоҳида меҳнат шaroитлари учун 50 фоиз миқдорда устама тўлиниши жорий қилинди.

Судьялик лавозимига номзодларнинг ёш цензи оширилди. Янги ислохотлар давригача ўттиз ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья лавозимига тайинланиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камидан беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) судининг, худудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкинлиги тўғрисида муҳим ўзгариш киритилди.

Судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш тартибин тубдан такомиллаштириш, судьялар ва судлар аппаратлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини янги жамият талабларига мослаштириш борасида томи маънодаги демократик ислохотлар амалга оширилди.

Суд соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлилдан келиб чиқиб, профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Тизимли равишда амалга оширилган суд ислохотларида янги тенденциялар, айниқса, тизимдаги ортика бюрократик тўсиқларга ва суд қарорларини қайта қўришни бир-бирини такрорловчи босқичларига чек қўйиш, чет эл инвесторлари ҳуқуқларини суд органлари орқали ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишни самарали йўлга қўйиш, фу-

қароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Судьялар олий кенгаши ва суд тизими фаолиятида очиклик ва шaффофликни таъминлаш борасида бир қатор янги механизм жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги "Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2025 йил 21 август куни имзоланган "Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 2025 йил 21 август куни имзоланган "Судлар фаолиятига суний интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2025 йил 24 ноябрь куни имзоланган "Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида судья ва суд ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш, тизимини замонавий ва салохиятли кадрлар билан таъминлаш, судлар фаолиятига суний интеллект технологияларини жорий этиш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципларни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлашди.

Судья маънавиятининг энг муҳим мезонларини белгилаш ва уларни Ўзбекистон қонунчилигида акс эттириш одил судловнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга олиб келди.

Ўзига хос тадрижийлик ва чуқур мантиқийликка асосланган ҳолда амалга оширилаётган кенг қўламли суд ислохотлари Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор госяига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда "адолатли қарор топтириш"га қодир бўлган суд органлари фаолиятини йўлга қўйишдек стратегик мақсадга мустақам ҳуқуқий асос бўлади. Мана шундай изчиллик билан бир-бирини тўлдириб бораётган демократик ислохотлар самарасида Ўзбекистон суд тизими ҳам шаклан, ҳам моҳиятан ривожланишнинг мутлақо янги бир даврини бошдан кечирмоқда ва одил судлов тизими янги қиёфа касб этмоқда.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Одил судлов академияси  
ректори.

ҚУТЛОВ



# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ

азиз халқимизни, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида қалам тебратаётган барча журналистларни Янги

йил байрами билан муборакбод этади!

2026 йил — Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида

меҳнаткаш ва танти халқимизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, баркамоллик тилайди.

# 2026

ҚУТЛОВ ЎРНИДА

## ЭЛГА ХУШХАБАР ЕТКАЗИШ САОДАТИ

Риштон туманининг Амробиод қишлоғида Назиржон ота ва Ойимсахон ая сулоласи ўқимшли, меҳнаткаш, меҳр-оқибатли оила сифатида танилган. Бу оилада узоқ кутилган ва бир неча опа-сингиллардан сўнг туғилган ўғилга Расулжон дея исм қўйишди. Бу исм муқаддас битикларда “хушхабар таъказувчи” маъносига келиши таъкидланади. Демак, ҳаётда ҳеч нарса тасодифан бўлмайди, исм танлаш инсон тақдирини билан бевосита боғлиқ ва унда муштарак ришталарни боғловчи илоҳийлик бор, назаримизда...

Айнан мана шу “хабар етказиш” хислати ёш Расулжоннинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб бергандек. Урта мактабнинг 6-синфида ўқиб юрган чоғларидаёқ туманда нашр этилувчи “Риштон ҳақиқати”, шунингдек, республика болалар газетасига кичик-кичик хабарлар, қишлоқ одамлари ҳаётдан олинган лавҳаларни қозғашга тушириб, конвертга солиб, почта орқали юбориб турди. Эҳҳа, юборган мақолалари газетда чоп этилиб қолса борми, ундан бахтли, ундан кучли одам йўқдек туюларди гўё. Ахир ҳеч ким айтмаган, журъат қилмаган, ҳаёлига келмаган фикрни, жараёнини ёритишнинг ўзи бўладими? Бу папладаги кувонч-у ифтихор, келажак озуларини ҳақида гапирмас ва бўлади.

Миллий матбуотимиз илм-фани даргаларидан бўлган Мухтор Худойкулов ушбу оилга бегона эмаслиги эса Расул аканинг журналистикада теран томир, чуқур илдиз отгани моҳиятини аниқлашга яна бир ёрқин сифатдир. Расулжон Камоловнинг талабалик йиллари ўтган асрнинг туркисинчи йилларидаги миллий уйғоннинг даври тўфонлари, шиддатли буронларига тўғри келди. Тошкент давлат университети журналистика факультети профессор-ўқитувчилари — мамлакатнинг энг таниқли, кучли билимга эга олимлари. Курсдошлар ҳам келажакда ўзбек журналистикаси, адабиётига елка тутуш завқ-шавқи билан ёнаётганлар — Исажон Султон, Минҳожиддин Мирзо, Абдура-сул Жумакулов, Азиза Солиева, Мастура Эргашева...

Ўқиб йилларида серқирра ижодкорнинг мақолалари, ҳикоялари республика газеталари,



адабий журналларида нашр этилди ва устозлар назарига тушди. Шу тарафда талабаликдан сўнг дунё ахборот майдони гигантларидан бўлган собиқ Иттифоқ телеграф агентлиги — ТАССнинг республика бўғини — ЎзТАГда Фаргона вилояти бўйича муҳбири вазифасида иш бошлади. Тез орада Тошкент, Москва ва бошқа худудларнинг марказий нашрларида “Р.Камолов” имзоси билан эълон қилинаётган тиш-тироқли, “мих” мақолалар ёш журналиста хурмат-эътибор олиб келди. Шу билан бирга, унинг ёзишга, ижод қилишга бўлган иштиёқини янада оловлантирди. Фаргона журналистикасида ўзига хос муҳит яратган Дониёр Эргашев, Аъзамжон Ортиков, Шухрат Олимов, Алишер Ибодинов, Абдуназар Худойназаров, Толибжон Турсунов, Тоҳиржон Ҳамроқулов, Машрабжон Саримсоқов, Муҳаммадҷон Обидов, Абду-жалил Бобоҷонов, Бахтиёр Қамбаров каби устозлик макомидаги даргалар истеъдодли ва ёш, серғайрат ҳамкасбни ўз қаторларига қўшишди.

— Инсон камолотида устозларнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Менинг бахтим ҳам шунда, менимча. Ҳаётим давомида жуда кўп яхши инсонлар, меҳри дарё устозларга рўбарў бўлдим, улар кўмағида камчиликларимни тўғриладим, ютуқларга эришдим, — дейди Расул ака. — Жумладан, ЎзАга ишга келганимнинг дастлабки кунийёк мени очиб чехра, самимий ва илиқ сўзлар билан қутиб олган журналист-ёзувчи Бахтиёр Мансуровнинг кўрсатган ёрдамлари-ю беозор танбелхари хануз қулоқларим остида жаранглаб туради. Биз бу инсон билан шу қадар иноқлашиб кетдикки, дўстона ришталар кейинчалик оилавий борди-келди-ларга айланади. Устоз оламдан ўтган ҳам меҳр иллари узилгани йўқ, унинг оила аъзолари, фарзандлари билан тез-тез кўришиб, устозни хотирлаб тураман.

Кейинчалик ҳам у бир неча жамоаларда ишлади, устозлар ўғитига амал қилди. Мустақиллик йилларида номи “Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА” сифатида ўзгарган мамлакатнинг биринчи рақамли ва нуфузли ахборот манбаи бўлган улкан жамоада Расул ака салкам 15 йил самарали фаолият кўрсатди. Сўнг бир муддат “Туркистон пресс” ахборот агентлигида, “Ишонч”, “Меҳр ёғдуси”, “Маҳалла”, “Фаргона ҳақиқати” сингари газеталар таҳририятида ишлади. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси муассислигидаги “Янги Ўзбекистон” газетасининг Фаргона вилояти бўйича махсус муҳбири, шу билан бирга, вилоят ҳокимлиги наشري — “Янги Фаргона” газетасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Қалами чарчланган устоз журналистлар кейинчалик ёзувчи сифатида ҳавас қилса арзийдиган муваффақиятларга эришгани ҳеч кимга сир эмас. Миллий қадриятлар, одамгарчилик, меҳр-оқибат каби мавзулардаги йиғирмага яқин ҳикоялар жамланган “Йигитнинг ори” китоби Расул Камол ёзувчилиқда ҳам қувонарли ютуқларга эришиши мумкинлигини кўрсатди. Аммо ҳаммиша ҳаётнинг қайноқ жараёнлари, ўсиш нуқталарида бўладиган бундай журналист учун вақт масаласи энг тансиқ неъмат бўлса, на илоҳ! Умидимиз шуки, Расул ака яқин йилларда тўплаган катта ҳаётий тажрибаси асосида яхши-яхши адабий асарлар яратишга бел боғлайди. Кундалиқлар, эсда-

ликлар, хотира-эсселар ёзади. Ишонинг, унинг қахрамонлари жуда жонли, ён-атрофимизда юрган одамлар, таниш ва қадрдон қиёфалар бўлади. Бу бўлажак ижодкорлар учун Расул Камол мактаби бўлади.

Ҳаёт чархпалагини қарангки, устозлар сабоғини олган бу инсон Назиржон Ҳошимов, Умиджон Жабборов, Масъуджон Сулаймонов, Шерзод Қорабоев, Шохидбек Аслонов сингари ўнлаб ёш ҳамкасблар униб-ўсиши учун йўл-йўриқ кўрсатди, ҳаётий ва ижодий сабоқларидан баҳраманд этди. Уларнинг ютуқларидан қувонди, нуқсонларини кўрганда юракдан эзилди, кўмагини аямасди.

Қарий 40 йил мобайнида журналистиканинг “қаттиқ нон”ини еса-да, соҳага садоқатини намойиш қилиб келаётган Расул ака катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга. Шу боис ундаги ҳозиржавоблик, текзор фикрлаш қобилияти, ҳар қандай ахборот ва янгиликни бир зумда сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб олиш маҳоратига қойил қолмай илож йўқ. Устоз журналистнинг ҳатто кичик бир ахбороти, хабари, публицистик мақоласида ҳам ўзига хос ёндашув, сарҳисоб ва таҳлил бўлади. Хуллас, ҳар бир чиқишида ўз “мен”и, услуби, нуқтани назари, “имзоси” бор. Шунинг учун ҳам бу мақолалар жуда раван ёзилади, осон ўқилади. Устозлар таъбиричи, Расул Камол катта мактаб кўрган, ҳаётий сабоқлар олган, ўзи кузатган ва билган мавзулар ҳақида ёзадиган зуваласи пиш-шиқ журналист.

Давлатимиз ҳам бу каби азаматларини доимо бошида баланд кўтаради. Расулжон Камоловнинг 2000 йили “Халқ таълими аълочилиги” кўкрак нишони, 2012 йили “Шухрат” медали билан тақдирлангани ана шу фидойи меҳнатнинг юксак эътирофидир. Истиқлол йилларида эришилган мислсиз ютуқларни, баъзан қайсидир соҳада кўзга ташланган муаммоларни моҳирона тасвирлай оладиган қаламкаш 2022 йили Ўзбекистон журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилувчи “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови голиби бўлган.

Ҳаётнинг паст-баланд йўлларида мардонавор ўтиб келаётган ҳамкасбимизнинг букилмас иродаси, ори, ғурури кучли. Тийрак нигоҳли бу инсон ҳаммиша ҳаётдан завқланиб яшашни билади. Компьютер ёки телефон экранига терми-либ мақола ёзишдан зерикса, кетмонини епка-

сига ташлаб, томорқа юмушлари билан андармон бўлади. Расул ака томорқачилик, қорамол боқиш, шопи етиштириш ҳадисини олган, хуллас, уй-рўзгор, деҳқончилик профессори. Қўли гул ошпаз, футбол ва теннисни қойиллатади, курашда анча-мунча полвоннинг курагини ерга теккизади.

У — устозлар ва янги авлод ўртасидаги ишонч кўприги. Зеро у ўнлаб ёш ижодкорларни устоз журналистлар даврасига қўшган. Ҳамкасблар, қадрдонлар, қариндошлар гурун-ларида даврабоши, бир сўз билан айтганда, ҳамма жойда ва ҳамма ишда ҳозир у нозир. Ишни деб оилани, оила қайғусида кўчани унутиб қўймайди. Ҳаммасига вақт топади, улғурди. Навқирон йигитдек ғайрат-шажоат тарк этмагани — доимо шошиб юриши, тез-тез гапириши, тиниб-тинчимаслигида яққол намоён-дир.

Расул ака беш нафар фарзандни муносиб тарбиялаб, ўқитиб, элга қўшди. Бугун ота ҳовлида фарзанд ва набиралар жам бўлганда файзли хонадон шодон кулгилар, эрка қилиқлар билан тўлиб-тошади. Бобо ва набиралар ўртасида қизикarli уйинлар, беллашувлар, мушоира, китобхонлик баҳси бошланади. Янги авлод сулоланнинг муносиб вориси сифатида ўқишда, спортда, меҳнатда тобланмоқда.

Умр дарё мисоли шовуллаб оқиб кетавериши айни ҳақиқатдир. Дўст, қадрдон, ҳамкасб, ака, устоз макомида бўлиб, узоқ йиллар ҳамфикр ва ҳаммаслакликда ишлаб келаётган Расул ака шу кунларда қутлуг 60 ёшга қадам қўймоқда. Бу умрнинг маълум бир сарҳисоб даври, лекин журналистика ҳамда ижода айни камолот палласи саналади. Шу сабабли Расул Камол хали кўп йиллар давомида ўткир қаламини қўлдан қўймаслигига ишонамиз. Авлодлар ўртасидаги муштарак ришталар узилмаслигини таъминлашда бу каби устозларнинг ўрни беқиёс. Шу маънода, миллий матбуотимиз раванқ-ривожли, завол топмаслиги учун ҳали бизга Расул Камолдек фидойилар кўп керак. Бу — шунчаки ҳамкасблар, қадрдонларнинг хоҳиш-истаги эмас, Фаргона журналистикаси талаби, яқин истиқболга мўлжалланган режаси шундай...

Ботир МАДИЁРОВ,  
Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

ШАРҲ

# 2025 йил ТАҲЛИЛИ ва 2026 йил ФАРАЗИ...

Назаримда, 2025 йил замонавий тарихнинг энг шиддатли ва сиёсий зиддиятларга бой йилларидан бири бўлди.

Халқ тилида айтганда, дунё "опоқдадаси" ролини уйнаган Дональд Трамп 20 январда расман Оқ уйга қайтди ва дунё сиёсатини остин-устун қилиб юборди. Хитойга 60 фоиз, бошқа ҳамкорларга эса 10-20 фоизлик божлар жорий этиш орқали "Америка биринчи" сиёсатини кучайтирди. Бу глобал савдо занжирларини қайта қуриб чиқишга мажбур қилди.

Ўз чиқишларида урушларни тўхтатгани ёки олдини олганини таъкидлади, аммо Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлолмади.

Авваламбор, Украина урушини "24 соат ичида" тўхтатишга ваъда берганини эслатиш керак. Амалда савашни тўхтатиш фақат АҚШнинг хоҳишига эмас, балки Москва ва Киевнинг муросасиз позицияларига боғлиқ бўлиб чиқди. Таъкидлаш лозимки, у қўлини қовштириб ўтирмади, бу мақсадда ҳаракатлар қилди, 28 бандлик тинчлик режаси шулар жумласидан.

Сурияда Асад режимининг қулаши ва Эрон билан муносабатларнинг кескинлашуви минтақада бекарорликни оширди. Нобель мукофоти кўмитаси бундай ҳолатларни "тинчликка қўшилган ҳисса" деб эмас, балки геосиёсий ҳаоснинг кучайиши, деб баҳолаган бўлиши мумкин.

АҚШ яна бир бор Париж иқлим келишувидан чиқди. Трамп "суяқ олтин" — нефть ва газ қазиб олишни кескин ошириб, энергетик мустақилликка уру берди.

2025 йил Исроил учун "катта уруш йили" бўлиб тарихга кирса, ажаб эмас. ХАМАСНИ тўлиқ йўқ қилиш мақсадига эришилмади, музокаралар асирлар рўйхати ва ўт очишни тўхтатиш шартлари сабабли тўхтаб қолмоқда.

Ўтаётган йилнинг ўртасидаги Исроил ва Эрон ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашув вазиятни глобал инқироз даражасига олиб чиқди. Оқ уй Техронга нисбатан "максимал босим" сиёсатини қайтарди.

Энг катта геосиёсий шов-шув Сурияда юз берди. Узоқ йиллик урушдан сўнг Россия Федерацияси ва Эроннинг эътибори Украина ҳамда Исроилга қалғанидан фойдаланган мухолиф "Ҳайъат Таҳрир аш-Шом" Дамашқни эгаллаб олди. Бу воқеа руснинг Яқин Шарқдаги таъсирини кескин камайитириди ва минтақада янги кучлар мувозанатини юзага келтирди.

Бу санани яна "кўп кутбни дунёнинг янги тартибсизлиги" йили деб аташ мумкин. Эски иттифоқлар кучини йўқотмоқда, ўрта бўгин давлатлари — Туркия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон эса мустақил ўйинчи сифатида майдонга чиқмоқда. Бу йи-

гирма биринчи асрнинг учинчи ўн йиллигидаги энг муҳим геосиёсий ўзгаришни ифодалади. Илгари дунё ё икки кутбни (АҚШ ва Совет Иттифоқи) ёки бир кутбни (фақат Америка) эди. Энди эса вазият бутунлай ўзгарди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланган БМТ, НАТО, ЕИ тизимлари ўзгаришга учради. Трамп Евроладан мудофаа учун кўпроқ пул талаб қилмоқда, Европа эса АҚШга тўлиқ ишониб бўлмастлигини тушуниб,



ўз армиясини янада кучайтиришни ўйлапти.

Украина, Ғазо ёки Суриядаги низоларни тўхтатишда БМТ Хавфсизлик Кенгаши фалаж ҳолатга келиб қолди. Вето ҳуқуқи тизимни ишлатмаяпти.

"Ўрта бўгин давлатлари" АҚШ, ХХР сингари на "суперкуч", на кичик давлатлардир. Улар ўз минтақасида сўзини ўткази оладиган ва глобал ўйинда ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган куч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Масалан, Туркия ҳам НАТО аъзоси, ҳам РФ иттифоқдоши, у ҳеч қайси блокка "қўл" эмас, фақат ўз манфаати учун ўйнайди.

Саудия Арабистони энди фақат АҚШнинг нефть омбори эмас, БРИКСга интилади, ХХР билан йирик шартномалар имзолайди ва Яқин Шарқнинг иқтисодий марказига айланишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳиндистон Ғарб билан демократия борасида ҳамкор, лекин Россиядан арзон нефть сотиб олишни тўхтатмайди. Ҳиндистон — "Глобал Жануб"нинг етакчиси бўлишга даъвогар.

Илгари дунёда "ўйин қоидалари" бўлгучи эди. Ҳозир эса ҳеч ким қоидаларга амал қилмаяпти. Илгари савдо тинчлик гарови эди, энди эса "санкциялар" ва "божлар" асосий ку-

ролга айланди.

Дунё энди "оқ" ва "қора"га — Ғарб ва Шарққа бўлинмайди. Энди дунё — ҳар ким ўз фойдасини кўзлаб ҳаракат қиладиган "кўп рангли" ва бошқариб бўлмас майдонга айланиб бормоқда.

Орта қолаётган йилда БРИКС миқдордан сифатга ўтди, яъни ҳаммани аъзоликка қабул қилавермасдан, давлатларни аввал "ҳамкор" сифатида синаб кўриш ва ички иқтисодий механизмларни, масалан,



сидаги энг илғор яримўтказгичлар ва бошқалар учун кураш авжига чиқди. Кимда кучлироқ СИ модели бўлса, ўша давлат иқтисодий ва ҳарбий устуниликка эга бўлди, СИ-мудофаа тизимлари ўртасида "кўринмас уруш" давом этди.

Агар аввалги роботлар қўл меҳнатини алмаштирган бўлса, 2025 йилда СИ ақлий меҳнатни "эгаллаш"ни бошлади. СИ яратган видео ва аудиоконтент шу қадар мукамаллашдики, инсон кўзи билан ҳақиқатни сохтадан ажратиш деярли имконсиз бўлиб қолди.

2026 йил режасида нималар бор? Янги санада инсоният учун нафақат сиёсий зиддиятларнинг давоми, балки йирик спорт байрамлари ва технологик янгиликлар йили бўлиши кутилмоқда.

Ноябрда АҚШ Конгрессига сайловлар бўлиб ўтади. Агар Трампнинг республикачилар партияси назоратни йўқотса, унинг сиёсати — импичмент ҳавфи ёки конунчилиқдаги тўсиқлар билан кескин қийинлашиши мумкин.

АҚШ ва РФ ўртасидаги ядровий қуролларни чеклаш шартномаси муддатга тугайди. Агар янги келишув имзоланмаса, дунё ядровий қуроланиш пойғасининг янги босқичига кириши мумкин.

NASAning "Artemis III" миссияси доирасида инсонларни Ойга қайта қўндириш бўйича тайёргарлик энг юқори нуктасига чиқади.

Сининг иккинчи тўлқини, яъни энди шунчаки матн ёзиш эмас, балки иқтисодиётнинг реал секторларини — тиббиёт, қурилиш, транспортни бошқариш бошланади.

Спорт илҳосмандлари учун рекорд даражадаги йил бўлади. АҚШ, Канада ва Мексика мезобонлигида ўтайдиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатида илк бор 48 та жамоа иштирок этади.

Агар 2025 йил "катта ўзгаришлар ва қутилмаган зарбалар" йили бўлган бўлса, 2026 йил янги тизимнинг қанчалик чидамли эканини кўрсатадиган "барқарорлашув ёки янги инқироз" йили бўлишини фараз қилиш мумкин...

Аброр ХОН

ХОРИЖ

## ДОНБАСС МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛМАДИ

Украина етакчисининг айтишича, тинчлик режаси 90 фоизга қелишилган. Володимир Зеленский АҚШ президенти билан ўтказилган матбуот анжуманида Донбассдаги ҳудудлар масаласи ҳали ҳал қилинмаганини тан олди.

Мар-а-Лаго (Флорида штати) қароргоҳида АҚШ президенти Дональд Трамп ва Украина раҳбари Володимир Зеленский ўртасидаги учрашув жиддий, кўзга кўринарли ютуқларсиз якулланди. Сиёсатчилар Палм-Бичда яқиндан, 28 декабрь кунини ўтказган музокаралар икки ярим соат бўлди. Бу — йил бошидан буён етакчиларнинг тўртинчи учрашуви.



Тинчлик келишуви қачон тузилиши мумкинлиги ҳақида сўралганда, Трамп қўшма матбуот анжуманида шундай деди: "Агар ҳаммаси ҳақиқатан жуда яхши кетса — эҳтимол, бир неча ҳафта ичида. Агар ёмонроқ кетса — узоқроқ. Агар ҳақиқатан жуда ёмон кетса — умуман ҳеч нарса чиқмайди". Тарафлар ҳали Донбассдаги ҳудудлар масаласида яқин қарорга келолмапти. Оқ уй раҳбари Украина ва Россия уларнинг мақоми бўйича "яқинлашмаётгани"ни айтди, аммо вазифа барибир жуда мураккаблигича қолмоқда. "Бу масала ҳал қилинмаган, аммо биз ечимга анча яқинлашдик. Бу жуда мураккаб масала, лекин менимча, у ҳал бўлади", — деди АҚШ президенти.

## РЕЛЬСДАН ЧИҚИБ КЕТГАН ПОЕЗД

Мексиканин Оахака штатида поезд рельсдан чиқиб кетиши оқибатида қандад 13 киши ҳалок бўлди, қариб 100 киши жароҳат олди. Бу ҳақда Мексика ҳарбий-денгиз кучларига таяниб, ВВС хабар берди.

Маълум қилинишича, поезд Мексика кўрфазини ва Тинч океани ўртасида қатновни амалга ошираётган бўлган. Унинг таркибида 241 нафар йўловчи ва тўққиз нафар экипаж аъзоси бўлган. Жароҳатланганларнинг 36 нафари шифохонага ётқизилган.



Расмиларга кўра, поезд Низанда шаҳри яқинидаги муюлишдан ўтаётганда рельсдан чиқиб кетган. Мексика бош прокуратураси ҳодиса юзасидан тергов бошланганини тасдиқлади.

Мексика президенти Клаудия Шейнбаум жароҳатланганларнинг беш нафари оғир аҳволда эканини маълум қилди.

## ФРАНЦИЯДА ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Францияда тезликни ортиқча оширган ҳайдовчилар учун янги қаттиқ жазолар қўлланилмоқда. Янги тартиб 2025 йилнинг 29 декабридан қучга кирди.

Энди 50 км/соатдан ортиқ тезлик билан ҳаракат қилган ҳайдовчилар уч ойгача қамоқ жазоси ва 3750 евро миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади. Шунингдек, бундай ҳайдовчиларнинг транспорт воситалари мусодара қилинади ва уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси уч йил муддатга бекор қилинади.



## ХИТОЙНИНГ ГИПЕРТОВУШЛИ РАКЕТАСИ

Хитой ўзининг қудратли "YJ-21" гипертөвүшли ракетасини синовдан ўтказди.

Дунёдаги энг йирик давлатдаги "Global Times" нашри ва Халқ овозидаги расмий ахборот ресурслари ("PLA Military Bugle") мамлакат ҳарбий-денгиз флотига тегишли бўлган 055-тоифали "Wuxi" йирик эсминецидан янги авлод гипертөвүшли ракетаси муваффақиятли учирилгани ҳақида хабар берди.



Гарчи синов ўтказилган аниқ сана ва манзил сир тутилган бўлса-да, эълон қилинган видеолар ракетага техник имкониятлари ҳақида муҳим маълумотларни очиклаган.

Ракета эсминецнинг орқа қисмидаги вертикал учуриш мосламасидан (VLS) "совуқ учуш" ("cold launch") усулида чиқарилган. Яъни ракета дастлаб сиқилган газ ёрдамида камерадан юқорига отилиб чиқади ва маълум балангликка етгач, унинг асосий двигатели ишга тушади.

Ракета белгиланган нишонни аниқлик билан йўқ қилган.

## ИСЛАНДИЯДА ЁЗ ҲАВОСИ КУЗАТИЛДИ

Янги йил арафасида қаҳратон қиш аксарият европаликларни қалин кийимлар кийишга мажбур қилган бир паллада, қитъаниннг энг совуқ ўлкаларидан саналган Исландияда ёз ҳавоси кузатиildi.

Исландия шарқидagi Сейдисфьордурда маҳаллий мезонлар бўйича қайдиқий жазирама қайдиқий этилди — ҳарорат Цельсий бўйича 19,8 даражага кўтарилди. Бақкагердида ҳаво ҳарорати — 19,7 даража.



Бу Исландия учун декабрь ойидаги янги рекорд. Олдингиси 2019 йил 2 декабрида қайдиқий этилган, мамлакат жануби-шарқидagi Квискерьярда 19,7 даража илқ бўлганди.

Исландиянинг бошқа ҳудудларида шу кунлари кучли шамол эсиб, ёмғир шаррос куйган.

Интернет хабарлари асосида М.ТЎРАЕВ тайёрлади.

ҚУТЛОВ

# Наманган вилоятидаги "LIBOS GULSHANI"

масъулияти чекланган

жамияти жамоаси

ҳамюртларимизни

Янги 2026 йил

билан қутлайди.

Ҳаётимиз фаровон, юртимиз

обод бўлаверсин!



## ✓ ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР

Бекободнинг олис Кушчи қишлоғида туғилиб вояга етган Мирзабек Дўстмуродов ўзининг бутун ҳаётини тиббиётга, одамларга яхшилиқ ва эзгулик улашишга бахшида айлаган элпарвар инсон эди, десак, айна ҳақиқатдир. Болалигидан ҳар бир ишга синчковлик ва диққат билан қарайдиган бўлажак шифокор ўқиб-ўрганишга иштиёқи баланд, зеҳнли инсон бўлиб камолга етди. Унинг юрағида бир умр умид гуллари барқ уриб турди.

Мирзабек ака 1955 йилда Душанбе шаҳридаги тиббиёт институтини тамомлаган, унинг бутун ҳаёти тиббиёт соҳаси билан чамбар-час боғланди. Изланишга мойил ёш мутахассис ўша йилнинг ўзида Москвадаги академик Бурденко номидаги нейрохирургия илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Москвада Борис Егоров, Андрей Арэнд, Григорий Корнянский сингари академик ва профессорлар кўлида жарроҳлик сирларини мукамал ўрганди. 1959 йилда нейрохирургия соҳасида тиббиёт фанлари номзоди унвонини олди. Уша йили Душанбе шаҳрига қайтиб, тиббиёт институтида ассистент бўлиб ишлаб боради.

Тақдир тақозоси билан Мирзабек Дўстмуродов Андижон давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, кафедра мудир вазибаларида хизмат қилди. Энг муҳими, институтда нейрохирургия бўлимининг ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди.

Унинг илмий-ижодий фаолияти ана ўша йилларда гуркураб ривожланди. Москвада академик Юмашев раҳбарлигида "Кўкрак умуртқасининг остеохондрозини" мавзуда докторлик ишини ҳимоя қилди ва тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришди.

Қаҳрамонимиз Москвада ҳам ибн Сино авлодлари нималарга қодир эканлигини амалда исботлаб берди.

Профессор Мирзабек Дўстмуродов Андижонда тиббий соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшди. Малакали хизмат кўрсатувчи нейрохирургия, травматология, ортопедия бўлимларидан иборат шифохона очилди ва бу даргоҳда кафедра мудир бўлиб фаолият юритди. Олийгоҳда травматология, ортопедия соҳасининг тараққий этишига бош-қош бўлди. Фаолияти давомида 60 дан ортиқ илмий ишларни ва "Мия эхинококкози" номли монографиясини чоп эттирди.

Етук олим ва шифокор бўлиб танилган бу инсоннинг ҳаётида 1980 йили катта бурилиш даври бўлди. У кишини Шароф Рашидовнинг

тавсиясига биноан Республика травматология ва ортопедия институтига директор этиб тайинланди. Бу ҳақда унинг ўзи "Юракдаги умид гуллари" номли китобида шундай ёзган эди: "Шошилиқ хабар бор. Сиз 23 ноябрь

травматология ва ортопедия соҳаси бўйича фан номзодлиги диссертациясини ёқлаш учун илмий кенгаши ташкил этди. Унинг раҳбарлигида 12 киши фан номзодлиги сазовор бўлди. Бевоқифа домланинг ташаббуси билан

рини янги усуллар билан аниқлаш ва даволаш каби илмий изланишлари оммалашиб кетган. Сўнги йилларда моҳир шифокор Мирзабек Дўстмуродов оёқ протезининг миқоз оёғига мос тушиши, уни безовта қилмаслиги учун янги



зандлар ҳам оталари изидан боришиб, уларга муносиб ворис бўлишга ҳаракат қилишди.

Узининг камтарлиги, тўғри сўз ва одамларга меҳрибонлиги туфайли кўпчилиқнинг меҳрини қозонди. Мирзабек ака ҳаётда ҳамisha ҳалол ва покша яшашга интилди. Одамларнинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилди. Турли хил касалликларнинг давосини топди. Ногиронликни кескин камайитиришга бор куч-ғайратини сарфлади. Ана шундай ажойиб инсон, тажрибали олим Мирзабек Дўстмуродов 2010 йили 85 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этди.

Аммо унинг тиббиёт соҳасидаги ғоялари, юрағида гуркураб турган умид гуллари ҳамон барҳаёт. У киши доимо "Бахтим — кишилар саломатлигида" дея гурурланиб яшаган. Агар у зот тирик бўлганларида айна шу кунларда 100 ёшни қаршилаган, бир аср билан юзлашган бўлар эди. Халқимиз яхшидан боғ қопади, дея бежизга айтмаган. Мирзабек Дўстмуродов яратган боғ, тиббиёт гулшани ҳали узоқ йиллар одамлар саломатлиги йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

**Йуллар ҳар хил, фасллар турфа,  
Ойни узар инсон кўллари.  
Сена бўлсин энг гузал тўхта —  
Юракдаги умид гуллари.  
Туғлади янги фикр, ўй,  
Бир текисмас ҳаёт йўллари.  
Ҳеч сўнмагай, дўстим, билиб кўй,  
Юракдаги умид гуллари.**

Ашуралӣ БОЙМУРОД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси.

# Бекободлик ФАН АРБОБИ

қуни Марказқўм котиби Оқил Умрзоқович Салимовга учрашасиз", дейишди. Мен Тошкентга келиб, Салимов ҳузурда бўлдим. "Маслаҳатли гап бор", деди у киши. Оқил Умрзоқовичнинг ёнида профессор Ҳ.Воҳидов ҳам ўтирган экан. Сўнгра биз Салимов бошчилигида Шароф Рашидов олдига кирдик. Мен Шароф акани яқиндан биринчи бор кўришим эди. Кишига мулойим боқадиган, қиёфасидан меҳрибонлиги сезилиб турадиган бундай раҳбар камдан-кам бўлади. Биз унинг олдига кирганимизда, у киши телефонда вилоят, туман фирқа котиблари билан бирма-бир гаплашиб, белгиланган режаларнинг бажарилишини талаб қилар, гап орасида қандай ёрдам кераклигини ҳам сўраб кўярди.

Ўша кун Марказқўм котибияти мажлиси бўлди. Шароф ака мени котибият аъзолари билан таништирди. Улар менга турли хил саволлар беришди. Жавобларим маъқул бўлди, шекли, соғлиқни сақлаш вазири мамнун ўтирар эди. У киши менга травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида рўй берган камчиликлар ҳақида батафсил гапирди туриб: "Ана шу ерга раҳбарлик қиласиз", деди. Шундай қилиб, институт жамоаси билан танишдим ва директорлик вазифасини бажаришга киришдим".

Домланинг кейинги бутун фаолияти травматология ва ортопедия соҳасини тубдан яхшилашга қаратилди. 1982 йилда Ўзбекистонда биринчи мартаба Ўрта Осиё минтақасида

Ўрта Осиё ва Қозоғистон травматологлари ва ортопедлари курултойи ўтказилди.

Тажрибали шифокор, заҳматқаш устоз сифатида жуда кўпгаб ёш мутахассисларга, травматолог ва ортопед шифокорларга зарур маслаҳатларини берди, уларнинг илмий изланишларига кўмаклашди. 1986 йилда уни Республика ногиронларининг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтига директор этиб тайинланди. У ТМЭК ва ТНК шифокорларининг биринчи курултойини ўтказишга муваффақ бўлди. Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари учун кўлланима яратилди.

Энг қувончлиси шуки, Мирзабек Дўстмуродовнинг давлат ва халқ олдидagi хизматлари муносиб тақдирланди. Тиббиёт соҳасидаги илмий ва амалий фаолияти ҳамда ёш кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони берилди.

Профессор Мирзабек Дўстмуродов ўз фаолияти давомида шикастланган, касалланган бош ва орқа мияларга энг мураккаб жарроҳлик усулларини кўллаб, минглаб беморларни муваффақиятли даволади. Унинг илмий изланишлари, янги жарроҳлик усуллари тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Узилган нерв толарини микрохирургия усули билан тиклаш, миядаги эхинококкоз пуфакларини аниқлаш, уларни янги жарроҳлик усули билан олиб ташлаш, кўкрак умуртқасида остеохондроз касалликла-

жарроҳлик усулларини кўллади. Бу ижобий натижалар берди. Тўғри, ҳозирда тиббиёт соҳаси кескин ривожланиб кетди. Даволашнинг янги, замонавий усуллари яратилмоқда. Аммо бир нарса аёнки, ҳозирги травматология ва ортопедия соҳасида ҳам устозлар яратиб қолдирган бой тажрибадан унумли ва самарали фойдаланилмоқда.

Профессор Мирзабек Дўстмуродовнинг Москва, Тошкент, Душанбе ва бошқа шаҳарлардаги матбуот саҳифаларида 200 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Заҳматқаш олим, тажрибали шифокор яратган монографиялар, илмий мақолалар жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди ва эътироф этилди. Устознинг унлаб илмий китоблари тиббиёт соҳасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, унинг қаламига мансуб "Юракдаги умид гуллари" номли хотиралар китоби севиб ўқилмоқда.

Бекободнинг асл фарзандларидан бири, ҳамюртимиз Мирзабек Дўстмуродов маҳоратли шифокор, бағрикенг инсон, камтарин дўст сифатида эл-юрт орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Инсон умри фаслларга монанд эканлигини босиб ўтган ҳаёт йўли мисолида исботлади. "Ҳар бир фасл бизни ўзича ва ўзгача сийлайди" деган жумлалар унинг ҳаётий шиорига айланди. Турмуш ўртоғи Инобат ая билан ўғил-қизларини эл-юрт қорига ярайдиган етук фарзандлар қилиб тарбиялашди. Фар-

## ✓ ҚУТЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Касбий таълим агентлигининг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоаси**

*барча юртдошларимизни Янги йил айёми билан қизгин муборакбод этади!*

*2026 йил юртимизда "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб номланди. Дарҳақиқат, маҳаллаларимиз обод, жамиятимиз юксак раванқ топса, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон, эртанги кун янада порлоқ бўлаверади.*

*Мамлакатимизда ҳар бир ёш авлоднинг сифатли таълим олиши билан бир қаторда, касб-хунар эгаллашига катта эътибор берилмоқда. Ишончимиз комил, бундай ислоҳотлар ўзининг ёруғ натижасини беради.*

*Азиз ватандошлар, барчангизга Янги йил қувонч, бахт-саодат ва барокатли келсин!*



## ✓ ҚУТЛОВ

**Намангандаги**

**"KADEER PARTS INDUSTRY"**

**масъулияти чекланган жамияти кўринишидаги хорижий корхона**

**жамоаси**

**юртдошларимизни кириб келаётган**

**Янги 2026 йил билан табриклайди.**

**Янги йилда маҳаллалар ривожланиб, жамиятимиз бундан-да юксалаверсин!**



**МУТОЛАА**

**Бир кунда қанча шеър ўқийсиз, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ёдингизда қолмайди. Бугун бир шеър ёдимда қолди:**

*Тўзон хазонлар ўйнаган йўлак,  
Олпоқ бозорлари мағрур тутган тоғ,  
Қишнинг элчилари келмоқда бўлак,  
Маънос кўринадди бийдек дала, боғ.*

*Тоғ бағри. Томлардан ўрлайди тутун,  
Ҳавода қаргалар чарх урар бетин.  
Оғочлар шил-шилдам, чийиллар шамол,  
Куз энди фаслмас, куз энди хаёл...*

Кеч куз манзараси мусаввира чизилган. Шеър сарлаҳаси ҳам "Кеч куз". Шеърда хазонлар тўзиган йўлак, биринчи қор тушган тоғ, бийдек дала, юпун боғ кўринишлари деталь, штрих – унсурларига аниқ чизилган. Аиниқса, тоғ бағридаги қўёшга қараган ўзбекона уйлари оғир томларини қўз олдингага келтириб. Бу фаслда мўридон ва мўриларга иш топилаётган, энди улар баҳор келиб, кунлар илигунга қадар шу ўйда илдиз отиб кўкарган бир оилага беминнат хизмат қилади. Совуқ ва меҳнатдан қўллари ёрилган она тонгда туриб чўян печга тараша-ўтин қалайди. Оила – ота-она, бола-бақраси билан саховат рамзи бўлган ўзбекона дастурхон атрафида жамулжам бўлади. Катта оиладаги турли синфларда ўқитган ҳар хил ёшдаги бир неча ўғил-қиз тонгда уйғониб, қорайган новда, бутқоллардан шудринг томиб турган ҳовлига чиқади. Тоғнинг тоза ҳавосидан кўрагини тўлдириб симиракан, кўрадаги қўй-қўзига, оғилдаги сигир-бузоққа ўт-хашак ташлашга ошқоқди. Яхшиям, емиш вақтида берилди, агар сал кечикилса, сигир-бузоқ, қўй-қўзи маъраб дунёни бузарди. Болалар мактаб кийимларини кийишга таратдиларди, она куймаланиб, фарзандларни мактабга кузатади. Ота аллақачон кетмоннинг пойини тозалаган. Кетмон ишга шай. Ўзбек ҳовлисида кеч кузда кетмонга иш топилади.

Ана шундай тасавуруларни уйғотган мазкур шеър Зайниддин Нўмонхоннинг "Ишонч истаги" китобидан. Бу шеър ким экан, деб қизиқтандирингиз? Зайниддин Нўмонхон кўп йиллардан буён бетаъьма қоғоз қоралаб келаётган, бугун етмиш беш ёшнинг довонидан ошган, бир талай шоғирларга устозлик қилаётган тажрибали, заҳматқаш, ўз сўзи, ўз овозига эга бўлган ижодкор. Унинг ўз муҳлис-ўқувчилари, содиқ китобхонлари бор. Шу пайтга қадар шoirнинг "Изоҳ", "Соғинчнинг ранги" каби шеърлий тўпламлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Китоблари, шеърлари талабчан ўқувчилар томонидан илқ кутиб олинган.

Шoirнинг китобга ном сифатида берилган "Ишонч истаги" номли шеъри чукўр рамзий маъно синдирилгани билан ажралиб туради. Шoir баланд тоғлар ортида мовий денгиз борлигига ишонини истайди. Баланд тоғлар – бу ҳаёт кийинчилликлари, мураккабликлари, гоҳида инсонга ўтиб бўлмас каби кўринган мушкулликлар... Бундай оғир тугунлар кимнинг ҳаётида йўқ дейсиз? Баланд тоғлар ортидаги мовий денгизни эса ҳаёт қарама-қаршиликларини ениб ўтган, руҳият ва вужудга таскин ва ҳаловат бағишлайдиган турмуш ғалабалари, деб айтиш мумкин. Ёки баланд тоғлар – юксак орузлар бўлса, денгизни – орузларнинг рўеби рами улароқ ҳаёл қилиш мумкин. Шеърнинг лирик қаҳрамони ана шундай неқибн, эзгу ва ёрун ниятларни кўнглига туққан ва ана шундай нурли мақсадларга ишонини

истайди. Шу боисдан ҳам шеър "Ишонч истаги" деб номланган бўлса, ажабмас.

Биз таҳлил қилаётган "Ишонч истаги" шеърда сатрлар силсиласига, мисраларнинг занжир сингариланиб келишига, фикр ва ифоданинг жушқин оқимига эътибор қаратинг:

*Дарё сувин кумлик шимаяни каби,  
Етимнинг кўзлари ёш тўққан мисол,  
Юлдузлар тонга олди пирлираб аста,  
Осмоннинг қаърига кетгандек синаиб,*

*Куз дарахт барглари узгандек бир-бир,  
Уюрлар, отарлар солган каби из,  
Соёга келган селлар тошларни очиб,  
Тўзиган кумларни йиққанга каби,*

*Ёвузлик яхшилик устидан ҳукм  
Чиқаргани каби гоҳи-гоҳида...*

Шеър тўртта "каби", битта "мисол", иккита "...дек" иштирокидаги ўхшатишлар, қўёшлар билан давом этади ҳамда шoirнинг бадиий тажрибаси ва маҳоратидан дарак беради. Зеро, бу каби силсилаларни тизиш учун ижодкор ўз дили ва онгида мавжланган туйғу ва фикр тўқилларини жиловлаши ва бир тизимга йўналтири олиши талаб этилади. Қўриқиб турибдики, шoir бу вазифа – шартни удалай олган. Шу боисдан ҳам шеърнинг яхлит мароми, равонлиги бузилмаган.

# Сўзга, Сўзларга ИШОНАМАН

ларни тизиш учун ижодкор ўз дили ва онгида мавжланган туйғу ва фикр тўқилларини жиловлаши ва бир тизимга йўналтири олиши талаб этилади. Қўриқиб турибдики, шoir бу вазифа – шартни удалай олган. Шу боисдан ҳам шеърнинг яхлит мароми, равонлиги бузилмаган.

*Булар бор гаплар-ку ишонмай бўлмас...  
Аммо, мен ишонмоқ истардим яна,*

*Хув-анув, кўринган тоғнинг ортида  
Мовий бир денгизни бор, деб ишонан  
Бола тасавури каби беғубор,  
Сўзларга, азизим, такрор ва такрор.*

Лирик қаҳрамон ҳеч нарсага ишонмас ҳам сўзга, бола тасавури каби беғубор сўзларга ишонади. У яна шеърда иштирок этаётган лирик персонажнинг юрагида буюк севиқ борлигига ишонини истайди. Бу "буюк севиқ" лирик қаҳрамоннинг ёрун ҳаётини ташкил этади:

*Ишонғум мен яна бирайна сўзга,  
Сенинг юрагинда буюк севиқ бор...*

Ушбу китобга киритилган шеърлардаги метафораларга, образлар ва рамзаларга бир мисол келтириш билан чекланмоқчиман. Уйлайманки, шу бир мисолда ҳам, томчида денгиз акс этгани каби, шoirнинг бадиий санъатлар қўллангандаги ўзига хослиги, шеърларнинг муҳим жиҳатлари, қирралари ўқувчи-китобхонда шoir ва унинг шеърлари хусусида муайян тасаввур уйғотади.

*Қушлар учиб кетди йироққа,  
Ушалмаган орузлар мисол...*

Шoir бир шеърда:

*Бозорга айланди дунёи қадим,  
Изласанг толасан анқо уруғин:  
Самодан тушган тош – ойнинг парчаси,  
Денгиз тубидаги баллиқнинг гўшти...*

деб ёзар экан, афсуски, бугун бутун дунё олди-сотдидан иборат бўлиб бораётгани, меҳр-оқибат, маънавият, маданият гўеки бозорда ўтмас ма-

достон деб таърифлаш мумкин. "Лопазор; қирлар тўши; пичанзор кўйида жим ётиш; тўрғайлар кўшиги; жавдарзор; қовун пайкали; жайранинг ҳурпайиб болани кўрқитиши; "ажинаковуш"; паҳса деворга чиқиб олган қизғалдоқ; рангин камалак; ерсовун; бир қошиқ ёвгону бурда зогора..." Болалиқнинг бундайин чизги ва ранглари ушбу шеърнинг бадииятини кўтариб, ошириб турибди. Мазкур шеърда шу жадвал – шу тадриж-диалектика давом этади-усадди ва якуний мисралар қўйидагича жаранглайди:

*Узоқ булоқ боши, кўҳна теғирмон,  
Новдан оқётган сувни шиддатим,  
Теғирмон тоши-у чархпалак, тўзон,  
Худди кечагидек ёдимда бари...*

Дарҳақиқат, ҳаёт – кўҳна теғирмон. Теғирмон – чархпалак узлуқсиз айланади, унинг шиддати ва тўзониди инсон орузлари, ниятлари, хайратлари, ҳасрат ва армонлари теғирмонга ташланган бир ҳовуч дон каби емирилиб, майдаланиб, озаёиб боради; шундай бораверади... Ахир, теғирмон тўхтамайди-да...

Муаллифининг бир туркум шеърлари борки,



лирик қаҳрамоннинг шамол каби елиб-югуриб, айланиб-айланиб келган хулосаси...

Шoir бўлиш осон, аммо ватанпарвар фуқаро бўлиш мушкул, дейдилар. Зайниддин Нўмонхон эса, ҳам шoir, ҳам эл-юртпарвар фуқаро сифатида, миллат ёшлари, уларнинг тақдир-қисмати хусусида астойдил қайғуради:

*Омон бўлсин ҳозирги ёшлар...  
Эҳтироси бўлса бордир-у,  
Измтироби йўққа ўхшайди...*

Муаллиф бу ўринда ёрун изтиробни, инсоннинг қалб жавҳарини чархлаб-қайрайдиган, ёшлик саодатини биллурлаштирадиган изтиробни назарда тутган. Шундай изтиробгина ёшлиқнинг куч-қудратини Ватан ва миллатга фидойи, Инсонга, бани башарга муҳаббатли ва садокатли бўлишга, кўнгли ёшлигини йўқотмасликка, Ёшлиқнинг кўнглини бой бермасликка, яъни ёшлиқнинг халқ, эл-юрт, қолаверса, ҳаёт ва инсоният олдидаги қарзини узишга, ёшлик бурчи олдидаги масъулиятни теранроқ, янада чуқурроқ англашга ундаган бўлур эди.

Ўтган XX асрда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Эркин Воҳидов: "Бошқачароқ чиқди ҳозирги ёшлар... Эҳ, ҳозирги ёшлар, ҳозирги ёшлар..." деб бир қадар ўқинган, бир қадар қайғурган, бир қадар афсусланган, алаҳусус, яъни – оқ ниятлар қилган, миллат шoirи Шавкат Раҳмон эса, "Қодирий ва ҳозирги ёшлар" шеърда: "Ҳозирги ёшларда покизалик бор, тирик қалбларига диёнат эга, гўё пок табиат ёмон кўзлардан асраб кўйганини шуларга берган" деб бир қараганда ёшларни алқанган, аслида, давр ва замоннинг тектоник силжиши-силкинликлари олдида ёш авлод зиммасига ғоят чўнг масъулият, жуда улкан ишонч юклаган бўлса, биз таҳлилга тортган шеър муаллифи бугунги – XXI аср ёшларига изтиробни, оғриқни, безовталиқни, жонсарақликни соғинади. Бугунги ёшларга изтироб, яна изтироб керак, дейди. Юқорида таъкидлаганимиздек, изтироб – бу ёруғлик, эзгулик димоқчи бўлади шoir.

Хуллас, Зайниддин Нўмонхоннинг ижоди бугунги шеърятимиз хусусиятларини муайян даражада ўзида намоён этган. У бугунги кун учун, юртдошларимиз ва замондошларимиз учун анъанавий йўлда асарлар яратётган ижодкорлардан биридир. Шoirлар бор, шеърят тараққиётига яхши шеър ёзиб ҳисса қўшади, шoirлар бор, шеър ёзмалиги билан шеърят тараққиётига ҳисса қўшади. Уларнинг орасида Зайниддин Нўмонхон дунёни ўз нигоҳи билан кўради ва шу фазилати билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради.

*Тоқим борлиқ тураркан яшнаб,  
Ҳаёт рамзи бўлай тоабод –  
Ҳақиқатни кўйлаган шеърлар...*

У "ҳақиқатни кўйлаган" шеърларида замоннинг, замондошларимизнинг ташвишларига очик юз ва тўри кўз билан қарайди, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисалар тўғрисида ўз фикр ва қарашларини бадиий тарзда ифода қилади. Бу унинг мумтоз адабиётимиз, шунингдек, дунё адабиётидан хабардор эканидан дарак беради.

Шу маънода мен "Ишонч истаги" китобини мутолаа қилар эканман, ундаги гоҳ мулоийим, гоҳ кескир сўзлар мени ўзига ишонтирди. Тўпламдаги шеърлар тиниқ туйғуларга, ёрқин ифодаларга бойлиги, жозибаси, даъваткорлиги, майин оҳанги билан китобдан қалбидан чукўр жой олади, деб ўйлайман.

Салим АШУР,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
шoir.

**МУШТАРИЙЛАР ИЖОДИДАН**

# Умр қуши самода учар

## УМР ЎТМОҚДА

Қаранг, дўстлар, ҳаёт маромин, Ой-у кунлар ўтмоқда елдай. Ой ортидан ойлар қувлашиб, Қаёққадир шошмоқда селдай.

Йил кучоғи тўлиб ойларга, Карвон тузиб кетиб боради. Инсон умри карвон йўлида, Илашганча ўтиб боради.

Умр қуши самода учар, Ёшлигимиз қололмас тутиб. "Қариллик" деб аталмиш бекат, Манзилимиз турибди кутиб.

Умримизни бежаб ёлғонга, Ростин излаб топмай ҳалақимиз. Шабадага бўлиб чирпирак, Нола чекар ожиз палақимиз.

Яна боқиб тўймай дунёга, Такрор яшаш истаги келер. Чунки ҳали орузлар бисёр, Кокилларин тарайди еллар.

Вақт жиловин ушлата қўймас, Қисқа умр, боқийлик суймас. Яшашни ким севмайди дейсиз?! Суйдиради, куйдириб тўймас...

Умр ўтар шошқалоқ елдай, Яхши-ёмон кунларимиз ёд. Шундай яшаб ўтайлик, дўстлар, Ҳар онимиз ўтсин гулгун шод!

## ҚИШЛОҒИМ

Гўзал боғлар, ер-суви мўл, Сероб дарё, булоғи кўл. Жўровоздир тўрғай-булбул, Қишлоғимга келганмисиз?

Ҳам чорвадор, боғбони бор, Меҳнатига шарафи ёр. Ялқовлардан қилишар ор, Қишлоғимга келганмисиз?

Ўғил-қизи уddaбурон, Одоб ҳам қойилмақом. Танир бу кун бутун жаҳон, Қишлоғимга келганмисиз?

Келмаган ҳам таниб олар, Таърифига қойил қолар. Қорабулоқ қайда бўлар? Қишлоғимга келганмисиз?

Қорабулоқ фарзандиман, Киндигидан — нақ кентидан. Сураманг сўз, жим энди ман, Қишлоғимга келганмисиз?

Келиб кўринг кечикмасдан, Қайта келинг ичикмасдан. Соғинасиз очикмасдан, Қишлоғимга келганмисиз?

## МЕҲРИБОНИМ ОНАМ

Ҳовлингда райҳонлар очилиб турмас, Димоғинга гуллар ифори урмас, Ҳеч нарса кўнглингга

тасалли бермас, Уйингда меҳрибон онанг бўлмас.

Опа-укаларинг ҳолинг билмайди, Амма-халаларинг она бўлмайди, Ҳаттоки лайчалар

писанд қилмайди, Уйингда меҳрибон онанг бўлмас.

Иссиққина чойинг турмайди бунда, Дастурхонинг файзи қочади зумда, Қадрини ўшанда биларсан жўра, Уйингда меҳрибон онанг бўлмас.

Осмонда кўешинг порлаб турмайди, Кечаси ой сенга юзин бурмайди, Ҳар кунни кўзларинг қувнаб қулмайди, Уйингда меҳрибон онанг бўлмас.

Аллоҳим, оналар мангу яшасин, Фарзандлар пойига меҳрин тўшасин, Ҳар кунимиз байрам, тўйга ўхшасин, Уйимизда доим онангиз бўлсин!

## ОҚ РЎМОЛЛИ СИНГИЛГА

Бўй-бастинга яраша, Кўркинг очар рўмолинг. Кўриб кўзим қувнайди Ҳаёга бой жамолинг.

Сочларингни бекитиб Оширибсан иффатинг, Узлгингни қизғаниб Нурланибди қоматинг.

Ўзбек қизин аслини Тўйдим сенинг сиймонгда, Кўёш нури акс этар Ойдай гулгун иймонда.

Насиб этган бахт қушинг Муҳим қолсин бошингда, Ҳазодалар маҳлиё, Тиз чўкишин қошингда.

## ҲАВАС

Тош думалар тоғларда, Қаддим эркин кераман. Ижод қилиб боғларда, Гўзал гуллар тераман.

Мен севаман оламни, Гўзал гулдай санамни. Китоб ўқиб тебратгум, Ҳузур қилиб қаламни.

Чиройини борлиқнинг, Қузатишдан сезаман. Шу сеҳрли ўлканинг Муъжизасин ёзаман.



**Муаллиф ҳақида:** Ravshanbek UBAEV — 1988 йили Туркистон вилояти, Сайрам туманидаги Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган.

"Шимкент" университетини "Қозоқ тили ва адабиёти" мутахассислиги бўйича битирган. Унинг ижод намуналари Қозоғистондаги барча ўзбекзабон нашрларда чоп этилиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Паркент дам олиш масканида ўтган Марказий Осиё ёш ижодкорлар 1-халқаро форуми иштирокчиси.

Яхшилардан ибратни Олиб юриш одатим. Чарчамайман ҳаётдан, Баҳра олар тоқатим.

Қандай таъриф айлайин, Кўнглим топар оромин. Шуқур қилиб айтаман, Ҳақдан тилаб давомин.

Равшанбек дер: борлиқни Чин юракдан севаман. Чиройидан табиат Завқ олганим ёзаман!

## Равшанбек УБАЕВ

## ФИКР



# МЕДИАСАВОДХОНЛИК НИМА ВА У НИМА УЧУН КЕРАК?

**Охириги пайтда саводхонлик сўзи медиа билан баробар қўлланилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Медиясаводхонлик ўзи нима ва у бизга нима учун керак?**

Ҳозирги кунда энг кўп вақтимизни телефон, интернет ва ижтимоий тармоқларда ўтказамиз. Ҳар кун юзлаб видеолар, суратлар ва рекламаларни кўраемиз. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин. Баъзилари ҳақиқат, баъзилари эса ёлғон ёки чалғитувчи бўлиши мумкин. Медиясаводхонлик деб ҳабар, видео, реклама, блог, пост ва расмларни тўғри тушуниш, хавфсиз фойдаланиш ва танқидий таҳлил қила олиш қўнимасига айталади. Оддий қилиб айтганда, "Кўрдим — ишонмадим — текширдим — кейин хулоса қилдим" деган ёндашувдир.

Медиясаводхонлик бизга нимани ўргатади? Аввало, ҳар қандай ахборотни текширишни. Ўқиётган ёки маълумот олаётган манбаларни таққослашни. Медия тилини тушунишни,

яъни реклама, манипуляция каби тушунчаларга эга бўлишни. Томоша қилаётган видео-контентларнинг мақсади ва кимларга фойда келтиришини англашни. Шахсий маълумотларни химоя қила олишни, фирибгарликдан сақланишни ҳамда контент яратиш маданиятини ўрганишни.

Нега медиясаводхонлик муҳим? Чунки бугунги кунда интернетда "fake" (ёлғон) маълумотлар кўп, рост билан ёлғонни ажрата олиш зарур. Ижтимоий тармоқлар манипуляциясини англаш ва бошқара олиш мумкин. Рекламаларнинг онга таъсирини химояланиш керак. У жамиятнинг катта-кичик аъзоларига ўз фикрини бошқаришни ўргатади. Айнан шунинг учун бугун медиясаводхонлик ҳар биримиз учун зарур билим манбаи ҳисобланади. Зеро, медиясаводхонлик — бугунги ахборот дунёсида ўз фикрига эга бўлиш ва алдовлардан химояланиш йўлидир.

Дармонжон РУСТАМОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

### КИТОБХОНЛИК

“Ақл ила олам юзин обод қил” деб уқтирган эдилар беш аср аввал ғазал мулкининг султони буюк бобомиз. Навоий наволаридан мунаваар бўлаётган Янги Ўзбекистондек катта юртда баъзан кимнидир танийсиз, кимнидир танийсиз. Албатта, бу табиий ҳол. Чунки у катта, улуғ юрт. Мана шу юртининг каттаю кичикларидан кўллари ушбу ўлканинг бир камтарин аъзоси, меҳнаткаш адиб ва таржимон Янгибой Қўқоровни танийди.

Унинг ўзига хос, антика далилларга бой мароқли суҳбатларидан, камтарона ижодидан баҳраманд бўлганлар ҳам, табиий ҳолки, оз эмас. Аммо Янгибойни фақат мароқли суҳбатдош деганлар адашди, чунки у ўзига хос ижодкор, ижоди ҳам ўзига ўхшайдиган ёзувчи. Бунинг исботи Янгибойнинг янги, шу улуғ хонадон вакили эканлигини амалда тасдиқлаб берган кўламли “Катта хонадон қиссалари” китобидир. Китоб биз ижод аҳлига “адабиётни севиш, унга имкон қадар садоқат билан хизмат қилиш, китобхоннинг кўнглидан жой оладиган, унинг маънавий олами бийтадиган, ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатини оширадиган, салбий иллатлардан нафратландирган, халққа, юртга, Ватанга эҳтиром туйғуларини шакллантирадиган асарлар ёзиш кераклигини” уқтиради. Бу борада Янгибой муайян маънода ўз ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб келаётган адиб. “Туркий халқлар адабиётлари дурдоналари” юз жилдликнинг, “Алишер Навоий ғазаллари мухаммаслар” икки жилдликнинг тайёрлашдаги жонбозлиги, Абай ва юзга яқин қозоқ, Бердақ ва юзга яқин қорақалпоқ шоирларидан қилган таржималари, “Ой теграсида юлдузлар” (Зулфия ва замондошлари), “Догистон дошманлари. Дагестанский мудрец” (Р.Ҳамзатов) китоблари, Нобель мукофоти совриндори С.Александровичнинг “Урушнинг аёлга ёт қиёфаси” романининг таржимаси, “Махтумқули Фирӯғий” достони, қатор насрий ва назмий асарлари хулосамизни тўлиқ далиллашди.

“Катта хонадон қиссалари” китобининг қурилиши ҳам Янгибойнинг суҳбатларида андоза бўлиб, унинг ичигади мўмай воқеалар орасига нафосат жаҳоҳирларни севиш, уқирман уларни кўрсатган ўлиб кетмасликка ҳаракат қилиб ўқийди. Аслида, китоб захматкаш адиб Муҳаммад Салом ҳақида, деган хаблга борасиз-да, ушбу сюжет орқасидан қувсангиз, юқорида айтилган жаҳоҳирларни кўздан қочиргандек бўласиз. Ҳа, китоб аввалида Муҳаммад Саломнинг мақолашига ишора бўлса-да, аслида, “Катта хонадон” вакили, жаҳоҳирлардан бири бўлиши улуғ адиб Одил Ёқубовнинг машҳур сўзлари билан бошланади: “...биз бу ишларни ҳамду сано учун эмас, балки жаҳоҳас халқимизнинг мушкуллини жиндек бўлса-да осон қилармиканмиз, жонига ғазалармиканмиз деб, қолаверса, адолат ва ҳақиқат учун кураш ҳар бир ёзувчининг виждоний бурчи, деган ақидадан келиб чиқиб, бу ишларга ҳаммиса хайрихолик билдириб келдик...”. Мана, ҳақиқий жаҳоҳирни халқимиз хотирасига яна бир бор қўз-қўз қилиш ва унинг хотирасида тиклаш йўлларидан бири. Янгибой икки тармондан икки иқтибос олиб, Муҳаммад Салом орқали бизга Одил Ёқубовдай улкан адабиётнинг дил сўзларини хотирамизга яна бир бора жойлаштиради.

“Шу йилнинг 23 июль – 4 август кунлари гўзал ва баҳова Зомин тоғларидаги оромикон маскан — Навоий кон-металлургия корхонасига қарашли муҳташам сийхатгоҳда давримизнинг забардаст адаби, оқ-

соқолимиз, бир неча роман ва қиссалар муаллифи, пире бадавлат отахон Муҳаммад Салом билан мулоқотда бўлдик. Мулоқотларимиз чоғи у киши миллий адабиётимизнинг улуғ чинорларини кўрганларини, бир қанча улуғ адибларга чой қуйиб, олтидан аёло сўзларини тинглаганларини, бир қанчасидан қимматли маслаҳатлар олганини, катта хонадоннинг нафосатли нафасини ҳис қилганини сўзлаб бердилар” (Я.Қўқоров. “Катта хонадон қиссалари”, 169-бет).

Бу сатрларни ўқиганимизда кўнглимизда ҳаяжон

кўп қувончли саҳифаларга эга эмас. Қўрбон Бергин 1938 йилнинг 4 октябрда ўз сафдошлари Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғоzi Олим Юнусов, Отажон Ҳошим, Муҳаммад Ҳасанов, Қайом Рамазон, Зиё Саид, Мўмин Усмонов, Аъзам Аюб, Маждид Қодиров, Худойберган Девонлар билан бирга отиб ташланди. Улардан бироз олдин Тавалло, Асил Мансур, Боту, Суфизода, Ғулум Зафарий қатл этилган эдилар. Ҳамид Олимжон ва Ойбек бир неча марта уюшма сафидан ўчирилди. Уюшманинг биринчи раиси Раҳмат Маждидий ўтган

Боши қизил салтанат чўқморларидан гурра бўлган жабрдийда адибларимиз орасида Шухрат, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Тўхтасин Жалолов ва Саид Аҳмад бор. Китобнинг “Катта хонадоннинг қаҳрамонлари” бобида Саид Аҳмаднинг машаққатли ҳаёти ҳақида шундай сатрларни ўқийсиз: “Саид Аҳмад — Аллоҳнинг марҳамати билан тегирмон тошининг остидан омон чиққан адиб. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун устоз қизил салтанат ишканжасига тушган кезларда, яъни 1951 йилнинг 8-10 март кунлари Тошкент. Шумилов городок, Берёзо-

кунбойларнинг ҳаёт-мамонт йиллари ҳақида кўп ўқиганмиз, ҳам Янгибой талқинида бу “Катта хонадон қиссалари”даги саҳифалардан кўзингизни узмай, китобдан бош кўтармай яна ва яна ўқийсиз. Китобдан иқтибос: “Уч нон уч жонга...”, “Отам оғриди...”, “Кўп ётолмайди, ўлди!...”. Бу иқтибос ва ижодий изланишлар Янгибойнинг топилишлари, булар орқали у Муҳаммадхоннинг ижодий изланишларини кўрсатади ва Усмон Носир сатрлари орқали уларга ўзига хос ранг беради.

Аммо китоб фақат қайгули саҳифалардан иборат эмас. Муаллиф улкан ёзувчи Носир Фозилонинг ҳазил-мутойибалари орқали катта хонадонимиздаги муқофотпарастлик иллати хусусидаги ҳайратомуз ҳикояларни ҳам келтиради: “2013 йил. Майнинг шабадалари билан кириб келган кузнинг учинчи ё тўртинчи куниди. “Дўрмон” ижод уйи олдидagi ўриндиқда устозим Носир Фозилон билан ширинги гурунлашяпмиз. Иккинчи ўриндиқда Муборак кенной таниқли драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг рафикаси Вазира опа билан суҳбатга киришган. Дарвоза томондан елим халтча кўтарган ўрта-миёна ижодкор “ога”мизнинг келаётганини кўрдим. Каллақанган жўка дарахти ёнига етганда оғиздаги носини гўлзорнинг четига туфлади. Узимни тутолмай кулиб юбордим.

— Ҳа, шайр, не бўлди? — деди Носир оқоқол кичкинагина транзисторини чап қулоғига тутади. — Табаба пайтимиз қизлар билан валъс тушиш учун тун бўйи Лев Лешченконинг битта пластинкасини қайта-қайта кўра эдик. Бир йилгит пластинканинг ёнида турарди-да, тугай деганида секин сездирамасдан суриб кўради. “Прошай, ничего не обещай!” деб тонгача хониш қиларларди пластинка... — Нега бирдан буни эслаб қолдинг, иним? — Ҳозир хув келаётган улуғ зотнинг пластинкасини эшитасиз. — Пластинкасига нималар ёзилган? — Муқофот, муқофот, муқофот!

Сўзимни тутатишим билан ул зот етиб келди-да: — Ассалому алайкум, Носир ака! Яхшимисиз? Бир ҳафта пойтахтдан олисда юриб, газит ўқий олмайман. Хуш, бу сафар ёзувчиларимиздан қайси бирлари муқофот сотиб олди? “Кўки”дан беришибдими? — деб сўради.


Носир ака кўпни кўрган ёшулли эмасми, пинажини бузмасдан: — Ҳа, фақат сиз айтган қойилмақом купюралардан беришибди.

Муболагага урин йўқ. Асарни ўқиганингиз сари бу китобга ҳам меҳрингиз ошади ва ниҳоят ўзингизни тиклаб, китобни ёлмоқчи бўлсангиз, сизни ёзувчи Муҳаммад Салом ҳақида йигилган антика далил ва рақамлар, маълумотлар кутади. Китобда адиб замондошларидан Умарали Норматов, Маҳкам Маҳмудов, Адамбек Алимбеков, Фарид Усмон, Қозқобой Йўлдошев, Нуралӣ Қобул, Нортўхта Қилич, Турсун Али, Ҳабиб Сиддик, Нусратулла Жумаҳўжа, Мирзаали Ақбаров, Фармон Тошев, Зикрилла Неймат, Абдунаби Ҳамроларнинг қимматли фикрлари урин олган. Бу китобни ўқиб, биз ҳам Муҳаммад Саломга ва у орқали Янгибой Қўқоровга, балки Янгибой Қўқоров орқали Муҳаммад Саломга замондошлик фикрларимизни билдиришга ҳаракат қилдик. Бир сўз билан айтганда, адабиётимиз хазинаси мароқ билан ўқиса бўладиган яна бир китоб билан бойиди, дея опамиз!

Махмуджон ЙЎЛДОШЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
психология фаилари номзоди.

# “КАТТА ХОНАДОН ҚИССАЛАРИ”

## ёхуд ёзувчи Янгибой Қўқоровнинг шу номли китобини ўқиб...



туйғуларни уйғонди. Чунки айнан ўша кезлари биз, яъни мен, олим ва шоирлардан Ҳамидулло Болтабоев, Исмолжон Ёқубов, Баҳоҳиржон Раҳмонов, Вафо Фаёзуллоҳ, Муҳиддин Полвон ва бошқалар Муҳаммадхон ақанинг суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Улуғ ёшга кирган адиб “...ҳеч ким юрмаган йўлдан боришни афзал кўрдим...”, деди. Айни шу ўз йўлидан юрвчиларнинг аслини Янгибой китобининг давомида кўраимиз. Китоб Ёзувчилар уюшмасининг чигал бошланган тарихини маҳорат билан акс эттирган. Биз билмаган, биз кутмаган воқеа ва далиллар топилишига ҳайратга тушасиз. Бу эса бизга Янгибойнинг нафрат ёзувчи, балки ўзига хос тадриқотчи эканлигини ҳам кўрсатади. Чунки янги китоб орқали биз уюшмамиз тарихида Р.Маждидий, Қ.Бергин, Олтой ҳамда бошқа ёзувчи ва арбобларнинг бу ташкилотга хизмати, азоби ва саргузаштларини кўраимиз. Китобга кирган қуйидаги сатрлар ҳар кун иэлаверадиган навбатчи матн эмас:

“1919 йили атоқли жадид Абдурауф Фитрат томонидан асос солинган “Чигатой гурунги”, 1926 йили Шокир Сулаймон ва Олтой томонидан ташкиллантирилган “Қизил қалам”, Умаржон Исмоилов раҳбарлигида 1930 йилдан фаолият кўрсатган Ўзбекистон пролетар адиблари уюшмаси 1934 йилнинг 11 март кунини тузилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи учун пойдевор вазифасини ўтаган эди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзига Раҳмат Маждидий 1 йули 7 ой, Қўрбон Бергин 2 йули 2 ой, Холмат Қўрбонов 6 ой 9 кун, Насрулло Охундий 10 ой, Ҳамид Олимжон 5 йули 2 ой, Ойбек 4 йул, Шароф Рашидов 1 йули 4 ой, Уйғун 3 йули 9 ой, Абдулла Қаҳҳор 1 йули 10 ой, Сарвар Азимов биринчи марта 1 йули 3 ой, иккинчи марта 4 йули 8 ой, Комил Яшин 22 йул, Улмас Умарбеков 2 йули 6 ой, Одил Ёқубов 4 йули 1 ой, Жамол Камол 4 йули 1 ой, Абдулла Орипов 14 йул, Бобур Алимов 3 йули 8 ой, Муҳаммадали Аҳмедов 5 йули икки ой раҳбарлик қилдилар. 2018 йилнинг 11 апрелидан буюн уюшмани Сирожиiddин Саидов бошқариб келмоқда. Катта хонадонимизнинг қиссаси у қадар

асрнинг эллигинчи йиллари бошида қатагон ишканжасида азоб чеқди”.

Бундай олиб қарасангиз, китобнинг сюжет чизигида атоқли адиб Муҳаммад Салом ижодий асосий ўрин тутгандай қўрилади ва ҳақиқатда ҳам шундай. Китоб муаллифи нафақат Муҳаммад Салом ижодий юксалиш онлари, балки баъзи сабабларга кўра депсиниш чоғларини ҳам назардан қочирмайди. Китобда ёзувчининг қуйидаги сўзлари келтирилган: “1973 йилда “Севги тори” деган йирик повестим эълон қилинди. Ундаги воқеалар Тошкент ҳамда Зарафшон — Мурутов қурилишларида кечади. Севгининг қудрати, қирралари, одамини ўзгартириб юбориши хусусида. Аввал ўғри бўлган бош қаҳрамон шундай туйғуга учраб, “ўзлигини топади... Устоз Ақсад Мухтор бу асар билан мени қизгин қутлади. Мен ҳамма асарларини қолдирмай ўқийдиган Улмас Умарбеков (Марказкомда ишларди, қўлэзма нашриётдан у кишига берилган) ҳам хурсанд бўлиб, телефонда самимий гаплар айтди.

Бироқ китоб чиққач, “Шарқ юлдузи” журналида Акмал Ҳўжаевнинг танқидий мақоласи босилди. Тумтароқ, асосланмаган фикрлар. Унинг нима демоқчилигини тушунмадим. Мақола уюштирилгани кейинроқ билдим. “Ёш гвардия” нашриётида муҳаррир пайтим бўлим мудури Б.Бойқобилдов атоқли адиб Муҳсин Саидовнинг “Тобланиш” романини қайта нашр этишни мўлжаллаб, тахрир учун менга берди. Уқиб кўриб, қайта нашрга арзимайди, деганча қўлэзмани қайтариб бердим. Минҳожиддин Ҳайдар ҳам муҳаррирликни буйнига олмади...” Гап шундаки, муаллиф назарда тутган 90 йил давомида нафақат шевердину милчаковлар, балки ўзимизнинг акмал ҳўжаевлар устоз Ойбек, устоз Миртемир ва уларнинг издошларидан бир қанчасининг бошида ёнғоқ чақдилар. Қанчадан-қанча аҳолий асарлар қоғозда қолиб кетди. Айрим тайёр қўлэзмалар жаҳл оловида кулга айланди. Шу жумладан, Муҳаммад Салом ижодиди ҳам бир неча бор ўн йиллаб “танафуслар” юз берди.

вий тупик, дом № 46”дан “Ташкент, улица Лабзак, Тупик 7, дом 86”, рафикаси Саида Зуннувога ёзган хатини ўқинг. Адибни 10 мартда олиб кетиб, 16 март кунини Қозогистон ССРнинг Шимоллий Қозогистон вилоятидаги Петропавловск шаҳрига етказдилар (шаҳарнинг совуқ номини қаранг: император Пётр Марказий Осиевни забт этишни бошлаб берган, Павел эса куракда турмайдиган ишларнинг барчасини бажарган!). 17 март кунини адиб учинчи хатни ёзади. ГУЛАГ жаллодлари ўз она тили турганда маҳбўсга хатини ўрис тилида ёзишга мажбур қилдилар. Хайрият, тўртинчи изтиробли хат Жезқозгон қонидан ўзбек тилида келади. Қуйидаги сўзларда адиб дилидан вулқондек отилган фарё яширин: “Ойи, хафа бўлмагн, тақдир экан. Беш ойгина бахтли яшайдим...” Беш ойгина! Яна хатга қайтамиз: “Саидахон! Айбдор кишининг тили қисқа бўлади. Айбдор айбдор бўлди. Кўп ёзинг, то юз қўришгунимизча улфатимиз қоғоз ва қалам бўлсин. Андижондаги кўвенин кўрмаган қайнога, қайнога, поччасини кўрмаган қайсингилларга салом айтинглар...” Адиб 7-хатда “Тухмат лойқадек қуйига чўқмоғи, ҳақиқат булоқ сувидек қайнаб юзага чиқмоғи ишонган киши ҳеч қачон умидсиз бўлмайди”, 8-хатда “Бу ерларнинг дарахтсиз, қўкатсиз ёзи бошланди”, деб ёзади. Атоқли шоира, истеъдодли ёзувчи, вафодор рафиқа бўлган Саида Зуннувова 1951 йилнинг 26 сентябргача эрига 31 та хат жўнатади. Хатларидан бирида “Ҳасратимни ёзай десам, қаламга ўт тушиб, қоғоз қуйиб кетди”, деб ёзган эди. Катта хонадон қиссасининг бир ҳасратли боби шуки, Саидахон ака Саида опага ГУЛАГдан 70 та ўтли хат ёзди. Бир қанча хатларга ўзи ёзган шеърларини қўшган. Улардан бирида “Ҳусрат эди, тоғларни йиқай қаламда” деган сатр бор”.

“Катта хонадон қиссасининг қайгули боби”ни хотиржам ўқий олмайсиз, ҳар бир хонадон ўз ҳаёти жараёнида бахтли ва бахтсизлик кунларини кўрсатган ўтмайди. Шундай экан, китобнинг мана шу саҳифалари ва уларнинг ёритилишига тасаннолар айтасиз. Маълумки, Усмон Носир ва Жул-

### ЛАТИФА



Яхши ният қилайлик...  
Бир қирақаш эрталаб хотинига шошиб телефон қилибди:  
— Хотин, бузун ишим тез битди. Қира қилишга кетдим.  
Хотини ҳайрон бўлибди:  
— Вой, дадаси, метан газда очерет йўқмикан? Ҳар кунни тушганга навбатда турар эдингиз?  
— Қаёқда? Навбат турнақатор. Ҳийла ишлатдим: “Қайнонам ўтиб қолди. Худди онам каби меҳрибон эди. Энди нима қиламан? Ҳали навбатим узоқ!...” — деб ростамизга йилгадим. Менга ачинаган одамлар навбатсиз ўтказиб юборишди. Ҳатто газ қуювчилар пул ҳам олишмади. Қойилмисан, хотин?... — деди кулиб.  
— Хе, майтингизни шамол учирсин! Бузун-ку, майли, онажонимни “ўлдириб” баҳона топибсиз! Эртага қандай баҳона топасиз? — деса хотини, қирақаш дудуқланиб нима бермиш:  
— Яхши ният қилайлик, хотин! Балки, эртага газ бемалол бўлиб қолар!

Зафар МҶМННОВ.  
Самарқанд вилояти,  
Қўшработ тумани

### ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА



## ПУШАЙМОНЛИК ЖАЗОДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛМАЙДИ

### Ўзбек сўмини ёқиб, оловида тамаки тутатган хорижлик ишчилар маъмурий жазога тортилди

Ўзбек сўмини ёққан хорижлик фуқаролар топилиб, маъмурий жазога тортилди. Бу ҳақда ИИВ матбуот котиби Шохруҳ Ғиёсов хабар берди.  
Маълум қилинишича, Сирдарё вилояти ички ишлар органлари ходимлари томонидан ушбу ҳаракатни содир этган ишчилар аниқланиб, улар билан тушунтириш ишлари олиб борилган. Воқеа юзасидан мазкур шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-3-моддаси (миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш) би-

лан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилган.  
ЖИБ Сирдарё туман суди қарори билан айбдорларнинг ҳар бири БҲМнинг 100 баравари, яъни 41 млн 200 минг сўмдан жараима жазосига тортилган.  
“23 декабрда Ўзбекистон валютасини олиб, ёқдик. Қилган ишим нотўғри эканини англаб етдим. Ўзбекистон халқидан узар сўрайман. Қилган ишимдан пушаймонман”, деган ҳужукбузарлардан бири.  
Шунингдек, иш берувчи томонидан ушбу шахслар билан меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилинган.

Манба: kun.uz

### ОГОҲЛИК

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛОҚАЙДЛИК КЕТМАЙДИ

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ва юзага келган ҳолатларда уларни тезкор ҳамда самарали бартараф этиш долзарб вазифа. Айниқса, “Ёнғин хавфсизлиги ойлуги” доирасида ушбу масалага жамоатчилик эътиборини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Содир бўлган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудларда мавжуд ёнғин ўчириш учун сув олгичларининг муайян қисми техник талабларга жавоб бермайди ёки умуман иш ҳолатида эмас. Ачинарлиси, бундай носоз сув олгичлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса ёнғини ўз вақтида ўчиришга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Айниқса, сув манбалари етарли бўлмаган ҳудудларда ёнғинга қарши ер ости сув олгичларини барпо этиш борасидаги ишлар талаб даражасида олиб борилмаётгани оқибатида, бахтсиз ҳодисаларни бартараф этишда қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Натижада ёнғин ўчириш автотомобиллари узоқ масофалардан сув ташиб келишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳолат ёнғинни ўчириш жараёнини секинлаштириб, аланганин киска вақт ичида кен майдонларга тарқалиб кетиш хавфини оширади.

Шу боис ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фақатгина ёнғин-қутқарув хизматлари эмас, балки маҳаллий ҳокимият органлари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, ҳар бир юртдошимиз бу жиддий хавфга таъминлаш билан қарашли шарт. Зеро, сув олгичларнинг доимий техник ҳолатини назорат қилиш, янги сув манбаларини барпо этиш ва ёнғинга қарши инфратузилмани ривожлантириш ёнғинларни самарали ўчиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.



Қолаверса, ёнғин хавфсизлиги — бу фақатгина қонда эмас, балки инсон ҳаёти, мол-мулки ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган умумий маданиятдир. Ушбу ойлук доирасида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари эса жаҳмиятда ёнғин хавфсизлигига бўлган онгли муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Мухтар ХАСИМОВ,  
“Маърифат маркази” ФВБ  
кичик инспектор,  
кичик секретар.